



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ТЎЛОВ БАЛАНСИ, ХАЛҚАРО  
ИНВЕСТИЦИОН ПОЗИЦИЯСИ  
ВА ТАШҚИ ҚАРЗИ



2020  
йил учун

Март 2021 | Тошкент

## КИРИШ

Ушбу нашр Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тайёрланган. Нашрда 2010-2020 йиллар учун тўлов баланси ва халқаро инвестицион позицияси, шунингдек, ташқи қарзи бўйича маълумотлар келтирилган бўлиб, улар Халқаро валюта жамғармасининг Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича қўлланмасининг олтинчи нашрига (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) ҳамда ташқи қарз статистикаси бўйича қўлланмага (2013) мувофиқ тайёрланган.

Ташқи қарз бўйича тарихий қаторларни қайта тиклаш ва янги ҳисобот шаклларини жорий этиш ХВЖнинг маълумотларни тарқатиш маҳсус стандартини татбиқ этиш доирасида, фойдаланувчиларни маълумотлар қаторлари билан таъминлаш учун амалга оширилди.

Солиштирма таҳлилни баён этишда айрим нисбий кўрсаткичлар, шунингдек кузатилаётган ўзгаришлар бўйича экспертлик фикрлари умумиқтисодий ҳолатнинг ривожланиш контекстида уларни тушунишни осонлаштириш мақсадида келтирилмоқда. Тўлов баланси бўйича методологик изоҳ ҳамда маълумотларнинг манбалари ва тузилиши бўйича тушунтиришлар ушбу нашрнинг охирида алоҳида бўлимда келтирилди.

Ҳисоб юритишнинг методологияси ўзгарганда ва қўшимча маълумотлар олинганда илгари нашр этилган тарихий қаторларга тегишли тузатишлар киритилади. Бунда, резидентлар ва норезидентлар ўртасидаги операциялар бўйича ҳисоботлар, хўжалик юритувчи субъектлар тақдим этган маълумотлар, аниқланган статистик фарқлар ва ташқи савдо статистикасига аниқлик киритилиши илгари нашр этилган тарихий қаторларни қайта кўриб чиқиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Ушбу нашрда келтирилган статистик маълумотлар 2021 йилнинг март ҳолатига долзарб ҳисобланади.

Ушбу шарҳда келтирилган жадваллардаги рақамлар яхлитланганлиги сабабли, якуний рақам ва қўшилувчиларнинг йиғиндиси ўртасида жузъий фарқ бўлиши мумкин.

Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция ҳамда жами ташқи қарз бўйича таҳлилий кўринишдаги статистик жадваллар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг <http://www.cbu.uz/> веб-сайтида жойлаштирилган. Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позициянинг таҳлилий ва стандарт кўринишдаги статистик жадваллар ХВЖнинг <http://data.imf.org/> манзили орқали ҳам тақдим қилинмоқда.

Нашрга тааллуқли масала ва таклифлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қўйидаги телефон рақамлари ёки электрон почта манзиллари орқали мурожаат қилиш лозим:

(+998) 71 212-60-38  
[j.fayzullaxodjaev@cbu.uz](mailto:j.fayzullaxodjaev@cbu.uz)

Ж.Х. Файзуллахўжаев  
Валютани тартибга солиш ва тўлов  
баланси департаменти директори

(+998) 71 212-60-76  
[r.mirzaahmedov@cbu.uz](mailto:r.mirzaahmedov@cbu.uz)

Р.М. Мирзаахмедов  
Тўлов баланси бошқармаси бошлиғи

(+998) 71 212-60-42  
[z.irgashev@cbu.uz](mailto:z.irgashev@cbu.uz)

З.Ф. Иргашев  
Тўлов баланси бошқармаси бошлиғи  
ўринбосари

Шунингдек, саволлар ва таклифлар қўшимча равишида [val@cbu.uz](mailto:val@cbu.uz) электрон почта манзилига юборилиши мумкин.

Нашр чораклик асосда, ҳисобот чорагидан кейинги чоракнинг охирида ўзбек, рус ва инглиз тилларида тақдим этилади.

Марказий банк жамоаси Тўлов баланси, Ўзбекистон Республикасининг халқаро инвестицион позицияси ва ташқи қарзини тузиш учун маълумотларни тақдим этиш борасидаги ҳамкорлик учун вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларга **ўз миннатдорчилигини билдиради** ҳамда кейинги самарали ҳамкорликка умид қилиб қолади.

## МУНДАРИЖА

АННОТАЦИЯ.....	5
<b>I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЎЛОВ БАЛАНСИ.....</b>	9
ЖОРӢ ОПЕРАЦИЯЛАР ҲИСОБИ .....	9
ТОВАРЛАР .....	11
ХИЗМАТЛАР .....	16
БИРЛАМЧИ ДАРОМАДЛАР .....	18
ИККИЛАМЧИ ДАРОМАДЛАР .....	19
КАПИТАЛ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИ.....	21
МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ.....	22
ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ВА ПОРТФЕЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР.....	23
БОШҚА ИНВЕСТИЦИЯЛАР.....	24
<b>II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН ПОЗИЦИЯСИ.....</b>	28
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ СЕКТОРИ.....	29
БАНК СЕКТОРИ.....	30
БОШҚА СЕКТОРЛАР .....	31
<b>III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ҖАРЗИ.....</b>	32
2010 - 2020 ЙИЛЛАР УЧУН ТЎЛОВ БАЛАНСИ .....	38
2010 - 2020 ЙИЛЛАР УЧУН ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН ПОЗИЦИЯ .....	41
2010 - 2020 ЙИЛЛАР УЧУН ЯЛПИ ТАШҚИ ҖАРЗ .....	45
2018 - 2020 ЙИЛЛАР УЧУН ТОВАРЛАР ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИ .....	48
2018 - 2020 ЙИЛЛАРИ УЧУН ТОВАРЛАР ЭКСПОРТИ ВА ИМПОРТИ ТУЗИЛМАСИ .....	49
2018 - 2020 ЙИЛЛАРДА ЮҚОРИ КОЭФФИЦЕНТЛИ ТОВАР КОНЦЕНТРАЦИЯСИ БИЛАН ЭКСПОРТ ҚИЛИНГАН ТОВАРЛАР .....	51
2018 - 2020 ЙИЛЛАРДА ЮҚОРИ КОЭФФИЦЕНТЛИ ТОВАР КОНЦЕНТРАЦИЯСИ БИЛАН ИМПОРТ ҚИЛИНГАН ТОВАРЛАР .....	55
2018 - 2020 ЙИЛЛАРДА ТОВАРЛАР БИЛАН САВДОНИНГ ЖЎҒРОФИЙ ТУЗИЛМАСИ .....	61
2018 - 2020 ЙИЛЛАР УЧУН КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАВСИФНОМА БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ХИЗМАТЛАРНИНГ БАЛАНСИ.....	66
2018 - 2020 ЙИЛЛАР УЧУН ШАХСИЙ ТРАНСФЕРТЛАР .....	72
2018 - 2020 ЙИЛЛАР УЧУН БИРЛАМЧИ ДАРОМАДЛАР БАЛАНСИ .....	73
2018 - 2020 ЙИЛЛАР УЧУН ИККИЛАМЧИ ДАРОМАДЛАР БАЛАНСИ.....	74
2019 - 2020 ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР СОФ КЕЛИБ ТУШИШИ*.....	75
2020 ЙИЛ УЧУН ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН ПОЗИЦИЯ .....	76
2020 ЙИЛ УЧУН ДАВЛАТ БОШҚАРУВ СЕКТОРИНИНГ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН ПОЗИЦИЯСИ .....	77
2020 ЙИЛ УЧУН БАНК СЕКТОРИНИНГ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН ПОЗИЦИЯСИ.....	78
2020 ЙИЛ УЧУН БОШҚА СЕКТОРЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН ПОЗИЦИЯСИ.....	79
2020 ЙИЛ УЧУН ХУСУСИЙ ТАШҚИ ҖАРЗ БЎЙИЧА ТУШУМЛАР ВА ТЎЛОВЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ..	80
АСОСИЙ ҖАРЗ ВА ФОИЗЛАР БЎЙИЧА БЎЛАЖАК ТЎЛОВЛАРНИНГ ПРОГНОЗИ .....	81
МЕТОДОЛОГИК ИЗОҲ .....	88
ФОЙДАЛАНИЛГАН АТАМАЛАР ЛУФАТИ.....	97

## АННОТАЦИЯ

2020 йил давомида Ўзбекистон Республикаси тўлов баланси кўрсаткичларининг шаклланишига дунёда коронакризис бошланиши билан боғлиқ ички ҳамда ташқи бозор ҳолатидаги ўзгаришлар, ташқи савдо айланмасининг пасайиши, глобал бизнес фаолиятининг секинлашиши ва молиявий хатарларнинг ортиши каби омиллар ўз таъсирини ўтказди.

Шунингдек, 2020 йил давомида Ўзбекистонга пул ўтказмаларининг соф жўнатувчи мамлакатларида жорий қилинган карантин чора-тадбирлари маҳаллий характер касб этганлиги ҳамда халқаро қатновлар чекланиши оқибатида трансчегаравий пул ўтказмаларининг норасмий сектордан расмий секторга ўтиши натижасида резидентларга ўтказмалар 2019 йилнинг мос даври даражасида сақланиб қолди. Бундан ташқари, олтин нархининг жаҳон бозоридаги ижобий динамикаси экспорт ҳажми қисқаришини қисман қоплаш имкониятини яратди.

Юқорида таъкидланган омиллар таъсирида жорий операциялар ҳисоби 3,1 млрд. доллар (2019 йилда 3,4 млрд. доллар) ҳажмидаги дефицит билан шаклланди. Шунингдек, савдо баланси (товарлар ва хизматлар) ва бирламчи даромадларнинг манфий сальдоси (8,2 млрд. доллар) иккиласми даромадларнинг ижобий сальдоси (5,1 млрд. доллар) ҳисобига қисман қопланди.

Молиявий ҳисобнинг манфий сальдоси 4 млрд. долларни ташкил этиб, бу кўрсаткич резидентларнинг молиявий мажбуриятлари ортиши (11,0 млрд. доллар) ҳамда улар томонидан активларнинг қабул қилиниши (7,0 млрд. доллар) оқибатида ҳосил бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг кредитлар ва қарзлар кўринишидаги соф ташқи қарзи 20 фоизга ошиб, 2019 йилга нисбатан 7,1 млрд. долларга кўпайди ҳамда 2021 йилнинг 1 январ ҳолатига 30,0 млрд. долларни<sup>1</sup> ташкил этди. Бунда, қарзларнинг жалб қилиниши асосан давлат ва банк секторлари ҳиссасига тўғри келади.

Бундан ташқари, давлат ва банк секторлари томонидан 1,4 млрд. долларга тенг портфель инвестициялар халқаро бозорларида баҳоланган қарз инструментларини (евробондларни) жойлаштириш орқали жалб қилинди.

Ўзбекистон Республикасига чет элдан тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 1,7 млрд. долларни ташкил қилди (2,3 млрд. доллар 2019 йилда). Шу билан бирга, соф инвестициялар (маҳсулот тақсимотига оид битимлар бўйича операциялар бундан

<sup>1</sup> Ушбу қарздорлик давлат ва хусусий ташқи қарзни ўз ичига олиб, унга евробондлар ва бош компаниялардан олинган қарзлар киритилмаган.


мустасно) – 1,8 млрд. долларни, бош оғисдан жалб қилинган қарз инструментлари – 153,2 млн. долларни, маҳсулот тақсимотига оид келишувлар асосида ишлаётган корхоналарининг инвестициялари пасайиши – 276,1 млн. долларни ташкил қилди. Короновирус пандемиясининг давом этаётгани сабабли иқтисодий ноаниқлик чет элдан инвестицияларни жалб қилиш суръатларига салбий таъсир кўрсатди.

Чет эл валютасидаги захира активлари билан боғлиқ бўлган валюта активлари бўйича оперциялар хажми 1,7 млрд. долларга етди. Халкаро бозорларда олтиннинг нархи ўсганлиги сабабли (25.1%, 1511,5 дан 1891,1 долл/тр.унц.гача), Ўзбекистоннинг олтин захираси кўпайиб, 2021 йил 1 январь ҳолатига 34,9 млрд. долларига етди.

Асосий савдо ҳамкор мамлакатларининг валюталарига нисбатан сўмнинг икки томонлама реал айирбошлаш курси индексининг базис даврга нисбатан тушиши Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товарлар нархларини асосий ҳамкор мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан арzonлаштириб, экспортни қўллаб қувватлаш даражасида бўлди. ([1-диаграмма](#))

Диаграмма 1

### СЎМНИНГ АСОСИЙ ВАЛЮТАЛАРГА НИСБАТАН РЕАЛ КУРСЛАРИ<sup>2</sup>



<sup>2</sup> Асосий савдо ҳамкор давлатлар валюталарига нисбатан сўмнинг реал айирбошлаш курси, асосий савдо ҳамкор давлатларда нарх ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда тузилган бўлиб, ўзида базис даврига нисбатан индексдаги ўзгаришларни намойиш қиласди. Индекснинг ўсиши сўмнинг асосий савдо шерик давлатларнинг валюталарига нисбатан қимматлашувини билдиради. Индекснинг ўсиш даражаси унинг базис даври танловига таъсирчандир.

Ўзбекистон Республикасининг соф халқаро инвестицион позицияси 2020 йилнинг охирида 20,4 млрд. долларни ташкил этди. Халқаро инвестицион позициясининг иқтисодиёт секторлари бўйича таҳлили шуни кўрсатдики, йил якунлари бўйича давлат бошқаруви сектори ҳамда бошқа секторлар “соф кредитор” позициясини сақлаб қолган бўлса, банк сектори “соф қарздор” позициясини эгаллаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи қарзининг умумий ҳажми 2021 йил 1 январь ҳолатига 33,8 млрд. долларни ташкил қилиб, шулардан 21,3 млрд. доллари давлат ташқи қарзи ҳамда 12,5 млрд. доллари давлат томонидан кафолатланмаган ташқи қарз хисобланади.

## ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СЕКТОРИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

млрд.доллар

	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
<b>Жорий операциялар ҳисоби сальдоси (млрд. долл.)</b>	2,5	2,8	1,2	1,3	2,1	0,9	0,2	1,5	-3,6	-3,4	-3,1
ЯИМга нисбатан %да	5%	5%	2%	2%	3%	1%	0%	3%	-7%	-6%	-5%
<b>Товар ва хизматлар экспорти (давр учун, млрд. долл.)</b>	12,1	14,2	13,0	13,6	12,9	11,8	10,5	12,4	14,1	17,0	14,5
ЯИМга нисбатан %да	26%	25%	20%	20%	17%	14%	13%	21%	28%	29%	25%
<b>Товар ва хизматлар импорти (давр учун, млрд. долл.)</b>	12,4	15,6	16,8	17,3	16,4	14,7	14,5	16,5	23,4	26,6	22,6
ЯИМга нисбатан %да	27%	28%	26%	25%	21%	18%	18%	28%	47%	46%	39%
<b>Резидентлар томонидан қабул қилиб олинган трансчегаравий пул ўтказмалари (давр учун, млрд долл.)</b>	3,4	4,9	6,4	7,5	6,5	3,9	3,7	4,8	4,9	5,8	5,9
ЯИМга нисбатан %да	7%	9%	10%	11%	8%	5%	5%	8%	10%	10%	10%
<b>Соф тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (соф - оқим) (давр учун, млрд долл.)</b>	1,7	1,6	0,7	0,7	0,8	1,0	1,7	1,8	0,6	2,3	1,7
ЯИМга нисбатан %да	4%	3%	1%	1%	1%	1%	2%	3%	1%	4%	3%
<b>Соф портфель хорижий инвестициялар (соф - оқим) (давр учун, млрд долл.)</b>	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	1,3	1,4
ЯИМга нисбатан %да	0%	0%	0%	0%	0%	0%	0%	0%	0%	2%	2%
<b>Соф ташки қарз, евробондлардан ташқари (соф - оқим) (давр учун, млрд долл.)</b>	0,5	0,4	0,7	1,7	1,9	1,5	1,9	0,9	2,0	6,0	7,1
ЯИМга нисбатан %да	1%	1%	1%	2%	3%	2%	2%	2%	4%	10%	13%
<b>Халқаро захиралар, ялпи (млрд. АҚШ долл. давр охрига учун)</b>	14,2	18,0	22,1	22,5	24,1	24,3	26,4	27,7	27,1	29,2	34,9
Товарлар ва хизматлар импорти ойларига мос равишда	13,8	13,9	15,8	15,6	17,7	19,9	21,9	20,2	13,9	13,2	18,6
<b>Номонетар олтин экспорти (тоннада)</b>	60	70	10	37	30	50	70	80	70	110	100
Олтиннинг дунё нархлари (даврга нисбатан ўртacha)	1226,7	1573,2	1668,9	1409,5	1266,1	1159,8	1249,8	1257,9	1268,9	1393,7	1771,0
<b>Долларнинг сўмга нисбатан курси (йилига ўртacha)</b>	1 586,5	1 715,1	1 889,9	2 095,5	2 310,9	2 567,9	2 965,7	5 121,0	8 069,0	8 836,8	10 055,8
Маълумот учун: ЯИМ жорий нархларда (давр охрига млрд. долл.)	46,7	56,5	63,6	69,0	76,7	81,8	81,8	59,1	50,4	57,7	57,7

## I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТҮЛОВ БАЛАНСИ


### ЖОРИЙ ОПЕРАЦИЯЛАР ҲИСОБИ

2020 йил якунлари бўйича жорий операциялар ҳисобининг сальдоси манфий бўлиб, 3,1 млрд. долларни ташкил қилди (2019 йилда 3,4 млрд. долл.). Бунда, жорий операциялар ҳисоби манфий сальдосининг яхшиланиши импорт ва экспортнинг пандемия таъсирида камайиб, йил давомида бир маромда тикланиши, бирламчи даромадларнинг қисқариши, трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажмининг ўтган йилнинг мос даври даражасида сақланиб қолиши билан изоҳланади ([2-диаграмма](#)).

2-диаграмма

### ЖОРИЙ ОПЕРАЦИЯЛАР ҲИСОБИННИГ КОМПОНЕНТЛАР БЎЙИЧА САЛЬДОСИ

(млн. доллар)



2020 йилда жорий операциялар ҳисобининг даромад ва харажатлар қисмида, барча компонентлар бўйича 2019 йилга нисбатан камайиш кузатилди. ([2-жадвал](#)).

## ЖОРИЙ ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР СТРУКТУРАСИ

(млн. долл.)

Кўрсаткичлар	2018	2019	2019				2020	2020				Ўзариш (2019 йилга ниисбатан)
			I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак		I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак	
Жорий даромадлар	22 163,2	25 991,0	5 448,5	6 440,7	7 601,9	6 499,8	21 765,8	4 999,5	4 468,2	8 002,6	4 295,5	-16,3%
Экспорт	14 135,1	16 993,4	3 681,1	4 202,8	4 996,2	4 113,3	14 522,7	3 216,1	2 894,3	5 964,8	2 447,6	-14,5%
Товарлар	11 385,6	13 898,6	3 045,0	3 414,1	4 146,6	3 292,9	12 823,2*	2 609,3	2 579,2	5 616,2	2 018,5	-7,7%
номонетар олтинсиз	8 476,1	8 980,4	1 813,6	2 550,9	2 258,2	2 357,6	6 974,8	1 565,4	1 458,9	1 933,1	2 017,4	-22,3%
Хизматлар	2 749,5	3 094,8	636,1	788,6	849,6	820,4	1 699,5	606,8	315,0	348,6	429,1	-45,1%
Ҳисобланган бирламчи даромадлар	3 205,2	2 957,3	760,0	789,8	748,1	659,4	1 658,3	634,9	363,1	449,9	210,4	-43,9%
Ҳисобланган иккиласмачи даромадлар	4 822,9	6 040,3	1 007,4	1 448,1	1 857,6	1 727,1	5 584,8	1 148,6	1 210,9	1 587,9	1 637,4	-7,5%
Жорий харажатлар	25 756,4	29 356,6	6 494,7	7 153,6	7 616,4	8 091,8	24 904,3	5 911,2	5 519,2	6 407,5	7 066,5	-15,2%
Импорт	23 443,5	26 550,8	5 931,9	6 602,7	6 985,6	7 030,6	22 559,6	5 356,0	4 976,4	5 789,4	6 437,8	-15,0%
Товарлар	18 252,4	21 190,0	4 741,8	5 291,7	5 528,6	5 627,9	19 048,3	4 291,4	4 290,1	4 998,3	5 468,6	-10,1%
Хизматлар	5 191,1	5 360,9	1 190,2	1 311,0	1 456,9	1 402,7	3 511,3	1 064,7	686,3	791,1	969,2	-34,5%
Ҳисобланган бирламчи даромадлар	1 697,6	2 220,1	418,1	401,9	487,6	912,5	1 899,4	424,7	454,8	497,1	522,8	-14,4%
Ҳисобланган иккиласмачи даромадлар	615,2	585,7	144,7	148,9	143,3	148,8	445,3	130,5	87,9	121,0	105,9	-24,0%
Жорий ҳисоб сальдоси	-3 593,2	-3 365,6	-1 046,2	-712,9	-14,5	-1592,0	-3 138,4	-911,7	-1 050,9	1 595,2	-2 771,0	-6,8%

\*шунингдек, газ – 460,6 млн. долл., қимматбаҳо металлар (номонетар олтин) – 5,8 млрд. долл.

2020 йил якунларига кўра, ташқи савдо балансининг манфий сальдоси, халқаро хизматларни ва бирламчи даромадларни ҳисобга олган ҳолда, ТБҚ (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) методологиясига мувофиқ, 8,3 млрд. долларни ташкил этди. Бунда, иккиласмачи даромадларнинг ижобий сальдоси 5,1 млрд. долларни ташкил этди.

## ТОВАРЛАР


2020 йил давомида ташқи савдо айланмаси (номонетар олтин ва тузатишларни ҳисобга олган ҳолда<sup>3</sup>) 31,9 млрд. долларни ташкил этди (2019 йилда 35,1 млрд. долл.). Шундан, экспорт ҳажми 12,8 млрд. доллар ва импорт ҳажми 19,0 млрд. долларга тенг бўлди. Шу муносабат билан, савдо балансининг дефицити 6,2 млрд. долларни ташкил этди.

2020 йилда товарлар экспортининг ҳажми (номонетар олтин экспортини ва тузатишларни ҳисобга олмаган ҳолда) 1,1 млрд. долларга ёки 20 фоизга камайди (2019 йилда ўсиш 560 млн. доллар ёки 7 фоизни ташкил қилган). Бунда, энергия маҳсулотлари жаҳон нархларининг кескин тушиши ва асосий истеъмолчилар томонидан уларга бўлган талабнинг пасайиши оқибатида газ экспорти ҳажмида 2019 йилга нисбатан 79 фоизга камайиш кузатилди. ([3-диаграмма](#)).

3-диаграмма

### ТОВАРЛАР ЭКСПОРТИ КОМПОНЕНТЛАРИ

(млн. доллар)




<sup>3</sup> Чегара постларида ўтказилган сўров бўйича ҳисобланган мокилик савдоси ва хорижий самолётлар томонидан аэропортларда сотиб олинган маҳсулотлар (авиакеросин ва бошқалар) инобатга олинган

Товарлар импорти ҳажмида 2019 йилга нисбатан 10 фоизга камайиш кузатилди (2019 йилда ўсиш 16 фоизни ташкил қилган) ([4-диаграмма](#)).

4-диаграмма

### ТОВАРЛАР ИМПОРТИ КОМПОНЕНТЛАРИ

(млн. доллар)



2020 йилда товарлар экспорти умумий ҳажмининг 77 фоизи (номонетар олтинни ҳисобга олмаган ҳолда) олтита мамлакатга, шулардан 19 фоизи Хитойга, 17 фоизи Россияга, 14 фоизи Туркияга, 10 фоизи Қозоғистонга, 10 фоизи Қирғизистонга ҳамда 6 фоизи Афғонистонга түғри келади. ([5-диаграмма](#)).


Шу билан бирга, товарлар экспортиниг асосий қисми “қимматбаҳо металлар ва тошлар” – 5,9 млрд. доллар (2019 йилда 5,1 млрд. доллар), “текстиль ва текстиль маҳсулотлари” – 2,1 млрд. доллар (2019 йилда 2,0 млрд. доллар), “келиб чиқиши ўсимлик бўлган маҳсулотлар” – 1,2 млрд. доллар (2019 йилда 1,4 млрд. доллар), “Қимматбаҳо бўлмаган металлар ва улардан буюмлар” – 1,1 млрд. долларни (2019 йилда 1,1 млрд. доллар) ташкил қилган бўлиб, ушбу товарлар гуруҳининг үлуси жами товарлар экспорти ҳажмининг 91 фоизини ташкил этади. (2019 йилда 91 фоиз) ([6-диаграмма](#)).

Хом ашё товарлари (номонетар олтин ва табиий газ) үлуси шу йилда жами экспорт ҳажмининг 49 фоизини ташкил қилиб, шундан 45 фоизи номонетар олтин ва 4 фоизи табиий газга түғри келади. Бунда, табиий газ экспорти умумий ҳажмининг 94 фоизи Хитой, 5 фоиз Тожикистон ва 1 фоиз Қирғизистонга түғри келади.

## ТОВАРЛАР ЭКСПОРТИНИНГ АСОСИЙ МАМЛАКАТЛАРИ


(номонетар олтин экспортини ҳисобга олинмаган)

(млн. доллар)



## ЭКСПОРТ ТОВАРЛАРИНИНГ АСОСИЙ ГУРУҲЛАРИ

(экспортнинг умумий ҳажмига нормаллаштирилган)




Шу билан бирга, товарлар импортининг асосий қисми “машиналар, ускуналар, механизмлар” – 6,0 млрд. доллар (2019 йилда 7,1 млрд. доллар), “қимматбаҳо бўлмаган металлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар” – 2,4 млрд. доллар (2019 йилда 2,9 млрд. доллар), “кимё саноати маҳсулотлари” – 2,4 млрд. доллар (2019 йилда 2,1 млрд. доллар), “сув ва ҳаво транспорти воситалари” – 2,2 млрд. доллар (2019 йилда 2,8 млрд. доллар) каби гурӯхларга тўғри келмоқда ҳамда уларнинг жами товарлар импортидаги улуши 70 фоизни ташкил қилди (2019 йилда 73 фоиз) ([7-диаграмма](#)).

7-диаграмма

### ИМПОРТ ТОВАРЛАРИНИНГ АСОСИЙ ГУРУҲЛАРИ

(импортнинг умумий ҳажмига нормаллаштирилга



2019 йилга нисбатан барча асосий савдо ҳамкорлари билан товарлар импорти ҳажми қисқарган бўлиб, бундан Россия ва Қозоғистон мустасно (ўсиш мос равишида 4 ва 1 фоизга тенг). Мазкур камайиш ҳисобот даврида иқтисодий фаолликнинг сусайиши билан боғлиқдир.


Хусусан, товарлар импорти ҳажми Хитойдан 13 фоизга, Корея Республикасидан 32 фоизга, Туркиядан 13 фоизга қисқарди. ([8-диаграмма](#)). 2020 йилда асосий ҳамкор мамлакатларнинг жами импортдаги улуши 67 фоизни ташкил қилиб, бунда Россия 21 фоиз, Хитой 21 фоиз, Корея Республикаси 9 фоиз, Қозоғистон 10 фоиз ва Туркия 6 фоизни ташкил қилди. (2019 йилда мазкур мамлакатларнинг жами импортдаги улуши 68 фоизни ташкил қилиб, уларнинг ҳар бири мос равишида 18 фоиз, 22 фоиз, 12 фоиз, 9 фоиз ва 6 фоизга тенг бўлган).

Шу билан бирга, Европа мамлакатларининг импортдаги улуси 23 фоиздан 24 фоизгача ўсди ва ушбу ҳолат асосий савдо ҳамкорларнинг жами импортдаги улуси камайиши билан изоҳланалади.

8-диаграмма

### ТОВАРЛАР ИМПОРТИНИНГ АСОСИЙ МАМЛАКАТЛАРИ

(млн. доллар)




## ХИЗМАТЛАР

Хизматлар бўйича халқаро савдонинг манфий сальдоси 2019 йилга нисбатан 20 фоизга қисқариб, 1,8 млрд. долларни ташкил қилди ва асосан халқаро хизматлар бўйича ташқи савдо айланмаси ҳажмининг қисқариши ҳисобига рўй берди. Шу билан бирга, хизматлар экспорти ва импорти тузилмасида транспорт хизматлари ва сафарлар билан боғлиқ хизматларнинг устунлиги сақланиб қолмоқда. ([9,10-диаграмма](#)).

9-диаграмма

### ХИЗМАТЛАР ЭКСПОРТИ АОСАЙ КОМПОНЕНТЛАР БЎЙИЧА

(млн. доллар)




Ҳисобот даврида хизматлар экспортининг ҳажми 1,7 млрд. долларни (2019 йилда – 3,1 млрд. доллар), хизматлар импорти эса 3,5 млрд. долларни ташкил этди (2019 йилда – 5.4 млрд. доллар). Жами хизматлар экспорти ва импорти ҳажмининг 78 фоизи транспорт хизматлари ва туризм (сафарлар) билан боғлиқ хизматларга тўғри келади.

Шу билан бирга, глобал эпидемиологик вазиятнинг ёмонлашуви хамда темир йўл ва ҳаво транспортларида йўловчи ташиш хизматларининг тўхтатилиши натижасида туризм (саёҳат) билан боғлиқ халқаро хизматларнинг экспорти ҳам (77 фоизга), импорти ҳам (62 фоизга) камайди. Шу боисдан, сайёҳлик хизматлари энг катта зарар кўрган соҳалардан бўлиб, коронавирус пандемияси оқибатида катта йўқотишларга дуч келди.

## ХИЗМАТЛАР ИМПОРТИ АСОСИЙ КОМПОНЕНТЛАР БЎЙИЧА

(млн. доллар)



Транспорт хизматлари импортида темир йўл ва авто транспорти билан боғлиқ хизматлар устунлик қилди. Темир йўл транспорти хизматлари ҳажми 1,2 млрд. долларни ташкил қилган бўлса (2019 йилда – 1,3 млн. доллар), авто транспорти хизматлари 257,2 млн долларга (2019 йилда – 478,5 млн. доллар), ҳаво транспорти хизматлари 231,5 млн долларга (2019 йилда – 480,3 млн. доллар) ва бошқа турдаги транспорт хизматлари 122,4 млн долларга (2019 йилда – 302,6 млн. доллар) тенг бўлди.

## БИРЛАМЧИ ДАРОМАДЛАР

2020 йилда бирламчи даромадлар бўйича манфий сальдо 241,0 млн. долларга тенг бўлди (2019 йилда 737,2 млн. доллар мусбат қолдиқ) ([11-диаграмма](#)). Бирламчи даромадлар сальдосининг қисқариши қисқа муддатли меҳнат мұхожирлари сонининг камайиши ва ташқи қарз ҳамда инвестициялар бўйича норезидентлар даромадларининг кўпайиши билан боғлиқ.


Қисқа муддатга хорижга меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан олинган иш ҳақи миқдори жорий йилда “Даромадлар” моддасининг асосий манбаси бўлиб, 1,5 млрд. долларни ташкил қилди (2019 йилда 2,7 млрд. доллар).

Резидентларнинг инвестициялардан олган даромадлари 147,8 млн. долларни ташкил этди (2019 йилда 296,6 млн. доллар). Шулардан 137,2 млн. доллари (2019 йилда 283,7 млн. доллар) халқаро захираларни жойлаштиришдан олинган даромадлар бўлиб, қолган қисми асосан резидент банкларнинг чет эл банкларидаги вакиллик ҳисобварақлари ва резидентларнинг хориждаги депозитларидан олинган даромадларини ташкил этди.

11-диаграмма

## БИРЛАМЧИ ДАРОМАДЛАР КОМПОНЕНТЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ

(млн. доллар)



Шу билан бир қаторда, норезидентларнинг Ўзбекистонга киритган инвестицияларидан олган даромадлари 1,8 млрд. долларни (2019 йилда 2,2 млрд. доллар) ташкил этиб, шундан 78,0 млн. доллари (2019 йилда 45,0 млн. доллар) Ўзбекистоннинг суверен облигациялари ва тижорат банкларининг евробондларидан олинган даромадлар ҳисобига тўғри келди. Шу билан бирга, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан олинган даромадлар 973,5 млн. долларни ташкил қилди (2019 йилда 1,4 млрд. доллар).

Ҳисобот даврида тўғридан-тўғри инвестициялардан олинган даромадларнинг 55 фоизи хорижий инвесторлар томонидан реинвестиция қилинган даромадларни ташкил қилмоқда (2019 йилда 50 фоиз). Ушбу кўрсаткичнинг ошиши хорижий инвесторларнинг Ўзбекистон иқтисодиётига ишончи ортаётганлигидан далолат бериши мумкин.


## ИККИЛАМЧИ ДАРОМАДЛАР

Иккиласмчи даромадларнинг ижобий сальдоси 5,1 млрд. долларни ташкил қилиб, (2019 йилда 5,5 млрд. доллар), бу асосан хориждаги узоқ муддат фаолият юритаётган меҳнат мигрантларининг трансчегаравий пул ўтказмалари ҳисобига таъминланди.

Халқаро пул ўтказмалари жисмоний шахслар томонидан резидентларга (уй хўжаликларига) чет элдан юборилган трансферт ўтказмалар бўлиб, улар иккиласмчи даромадлар моддаси компонентларининг асосий қисмини ташкил қилади. Бунда, уй хўжаликларига трансферт пул ўтказмалари асосан халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали келиб тушмоқда. ([12-диаграмма](#)).

12-диаграмма  
ЖОРӢЙ ТРАНСФЕРЛАР

(млн. доллар)



Иккиласмадар бўйича тушумлар жорий йилда, айнан олдинги даврлардаги каби, мавсумий характерга эгалигини кўрсатди. 2020 йилнинг II чорагидан бошлаб жорий қилинган карантин чоралари ҳамда пул ўтказмаларининг норасмий сектордан расмий секторга ўтиши ҳисобот йилнинг сўнгги чорагида мавсумий пасайиш трендига қўллаб қувватловчи таъсир ўтказди. Бунда, Ўзбекистон фуқароларига келиб тушувчи трансчегаравий пул ўтказмаларининг бир қисми уларнинг доимий равишда чет элда бўлган ёки яшайдиган қариндошлари томонидан жўнатилмоқда. (13-диаграмма).


Қайд этиш лозимки, амалиётда пул ўтказмалари нафақат қисқа муддатли ишчилар ва норезидентлар (бир йилдан ортиқ муддат давомида чет элда бўлган ишчилар) томонидан оилаларига маблағ юбориш мақсадида, балки ташқи савдо операциялари бўйича ҳисоб-китоблар мақсадида ҳам амалга оширилган бўлиши мумкин. Шу сабабли, пул ўтказмалари ва резидент-жисмоний шахслар томонидан нақд кўринишда олиб кирилган маблағлар миқдори сўров асосида баҳоланганд мокилик экспорти (26 млн. доллар) ҳажмига камайтирилмоқда.

Шу билан бирга, карантин сабабли жисмоний шахсларнинг чегара орқали ҳаракатланиши билан боғлиқ чекловлар ўрнатилиши нақд валюта оқимлари кириб келишининг камайишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида, валюта маблағларининг олиб кирилиши трансчегаравий пул ўтказмалари орқали амалга оширилишига сабаб бўлди ҳамда ушбу кўрсаткич 2019 йилдаги кўрсаткичига мос равишда сақланиб қолди.

13-диаграмма

### ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА ТУШУМЛАРНИНГ АСОСИЙ МАНБАЛАРИ

(млн. доллар)




## КАПИТАЛ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИ

Капитал операциялари ҳисобининг ижобий салдоси 2020 йилда асосан катта миқдордаги трансферлар келиб тушиши натижасида 25,2 млн. долларни (2019 йилда 254,0 млн. доллар) ташкил этди.

14-диаграмма

### КАПИТАЛ ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА ТУШУМЛАР

(млн. доллар)



## МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ

2020 йил якунлари бўйича молиявий ҳисобнинг манфий сальдоси 4,0 млрд. долларни ташкил этди (2019 йилга нисбатан пасайиш 1,0 млрд. доллар). Молиявий ҳисоб дефицитининг сақланиб қолишига асосий сабаб кредитлар ва қарзлар бўйича норезидентлар олдидағи мажбуриятларни 7,1 млрд. долларга (шундан 3,3 млрд. доллар давлат секторига тўғри келмоқда), тўғридан-тўғри инвестицияларнинг 1,7 млрд. долларга ортиши ҳамда давлат ва банк секторлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар эвазига портфель инвестицияларнинг 1,4 млрд. долларга ўсишига сабаб бўлди. Жорий йилда халқаро захира операциялари бўйича номонетар олтин сотилиши ҳисобига валюта компонентида 1,8 млрд. доллар миқдоридаги сезиларли ўшиш кузатилди ([3-жадвал](#)).

3-жадвал

### МОЛИЯВИЙ ТУШУМЛАР ВА ХАРАЖАТЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ

(млн. доллар)

Кўрсаткичлар	2018	2019	2019				2020	2020			
			I чор	II чор	III чор	IV чор		I чор	II чор	III чор	IV чор
<b>Молиявий ҳисоб</b>	<b>-2 879,9</b>	<b>-5 065,1</b>	<b>-1 542,2</b>	<b>-1 172,4</b>	<b>-696,7</b>	<b>-1 653,8</b>	<b>-4 014,6</b>	<b>-1 365,1</b>	<b>-1718,7</b>	<b>2 371,9</b>	<b>-3 302,7</b>
<b>Молиявий активларнинг соғ олиниши</b>	<b>-13,4</b>	<b>4 036,9</b>	<b>766,9</b>	<b>795,9</b>	<b>355,8</b>	<b>2 118,2</b>	<b>7 038,2</b>	<b>602,3</b>	<b>452,4</b>	<b>4 275,2</b>	<b>1 708,2</b>
Хорижга тўғридан-тўғри инвестициялар	1,9	3,1	0,8	0,7	1,0	0,6	1,7	0,6	-0,2	0,7	0,6
Портфел инвестициялар	-	-	-	-	-	-	-0,1	-	-0,2	-	0,0
Бошқа инвестициялар	1 548,4	2 627,2	-8,9	1 198,9	64,1	1 373,1	5 265,2	601,0	427,3	2 301,5	1 935,4
Улардан											
валюта ва депозитлар	842,8	591,0	274,0	-303,6	39,6	580,9	3 149,4	390,4	221,5	892,2	1 645,2
савдо кредитлари и бўнаклар	702,7	2 037,2	-282,9	1 504,9	23,8	791,4	2 112,8	210,1	203,0	1 409,6	290,2
<b>Захира активлар</b>	<b>-1 563,7</b>	<b>1 406,6</b>	<b>775,0</b>	<b>-403,6</b>	<b>290,7</b>	<b>744,5</b>	<b>1 771,4</b>	<b>0,7</b>	<b>25,5</b>	<b>1 973,0</b>	<b>-227,8</b>
<b>Молиявий мажбуриятларнинг соғ олиниши</b>	<b>2 866,5</b>	<b>9 102,0</b>	<b>2 309,1</b>	<b>1 968,3</b>	<b>1 052,6</b>	<b>3 772,0</b>	<b>11 052,8</b>	<b>1 967,5</b>	<b>2 171,1</b>	<b>1 903,3</b>	<b>5 010,9</b>
Хориждан тўғридан-тўғри инвестициялар	624,7	2 316,5	221,3	832,1	448,9	814,2	1 725,7	267,1	478,1	369,7	610,8
Портфел инвестициялар	13,0	1 345,7	1 009,7	25,5	-8,9	319,5	1 389,4	1,4	11,2	-4,1	1 380,9
Молиявий деривативлар	-1,3	-4,3	-0,4	-1,7	-0,3	-1,8	-6,4	-0,3	-1,7	-1,1	-3,2
Бошқа инвестициялар	2 230,1	5 444,0	1 078,6	1 112,5	612,9	2 640,1	7 944,1	1 699,3	1 683,6	1 538,8	3 022,4
улардан											
кредитлар ва қарзлар	2 050,7	5 866,9	927,7	1 577,8	715,9	2 645,4	7 081,2	1 224,8	1 823,9	1 318,7	2 713,8
савдо кредитлари и бўнаклар	331,0	-560,8	117,2	-597,5	-223,6	143,0	568,5	400,4	-191,5	135,5	224,2
бошқа кредитор қарздорликлар	-148,7	80,4	61,0	111,7	94,7	-187,0	93,4	54,9	30,6	19,9	-12,0

## ТҮҒРИДАН-ТҮҒРИ ВА ПОРТФЕЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР


2020 йил мобайнида түғридан-түғри хорижий инвестицияларнинг соф кириб келиши<sup>4</sup> 1,7 млрд. долларни ташкил қилди. Мамлакатга жалб қилинган түғридан-түғри хорижий инвестицияларнинг ҳажми маҳсулот тақсимотига оид битимлар (МТБ) доирасида инвестициялар репатриацияси ҳажмининг ортиши билан қисман қопланди. Жаҳон иқтисодиётидаги инқироз фонида капиталга соф хорижий инвестициялар 1,6 бараварга камайиб, 1,3 млрд. долларни ташкил қилди, хорижий инвесторлар томонидан даромадларни реинвестиция қилиш ҳажми эса 1,3 бараварга қисқарди.

Қарз воситаларига түғридан-түғри сармоялар ўтган йилнинг мос даври даражасида сақланиб қолди. Бунга, бош компанияларнинг кредитлари 153 млн. долларни ташкил этганлиги, шунингдек, табиий газ ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши эвазига МТБ бўйича соф тўловлар<sup>5</sup> 276 млн. долларни ташкил этганлиги сабаб бўлди.(15-диаграмма).

15-диаграмма

## ТҮҒРИДАН-ТҮҒРИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР КОМПОНЕНТЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ

(млн. доллар)



<sup>4</sup>Түғридан-түғри хорижий инвестициялар бўйича маълумотлар Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси томонидан ўтказилган сўров асосида тузилиб Халқаро валюта жамғармасининг қўлланмасига (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) мувофиқ тайёрланди.

<sup>5</sup>МТБлар бўйича келиб тушган инвестициялар ва уларга ҳисобланган компенсацион маҳсулот фарқи

2020 йилда портфель инвестиция бўйича мажбуриятларнинг сезиларли даражада соф ўсиши кузатилди. Мазкур ҳолат Ўзбекистон Республикаси томонидан 555 млн. долл. ва 2 млрд. сўмга тенг бўлган халқаро облигациялар чиқарилиши, шунингдек, Миллий банк ва Ипотека банк томонидан халқаро капитал бозорига умумий қиймати 600 млн. долларга тенг евробондлар жойлаштирилиши билан изоҳланади. 2020 йил якунига кўра, портфел инвестиция операцияларининг сальдоси манфий кўринишда шакилланган бўлиб, 1,4 млрд. долларни ташкил қилди.

## БОШҚА ИНВЕСТИЦИЯЛАР

### Активлар


“Бошқа инвестициялар” компоненти бўйича активларнинг соф ўсиши 2020 йил мобайнида 5,3 млрд. долларни ташкил қилди. “Бошқа инвестициялар” компонентининг асосий таркибий қисми резидентларнинг валютаси ва депозитлари, шунингдек, савдо кредитлари ва бўнаклари (дебитор қарздорлик) ҳисобланиб, улар мос равища 3,2 млрд. долларга ва 2,1 млрд. долларга кўпайди.

“Валюта ва депозитлар” компонентининг иқтисодиёт секторлари бўйича таҳлили шуни кўрсатдики, операцияларнинг асосий қисми иқтисодиётнинг бошқа секторларига тўғри келмоқда, чунки хорижий валютадаги аҳоли жамғармаларининг ўсиши иқтисодиётнинг мазкур секторларида акс эттирилади. Шу билан бирга, агар чет элда ишлаётган Ўзбекистон фуқароларининг даромадларини репатриация қилиш (қайтариш) туфайли аҳолининг хорижий валютадаги активлари доимий равища кўпайиб борган бўлса, 2020 йил натижаларига кўра, резидент юридик шахсларнинг чет элдаги ҳисобварақаларидан маблағлар харажатлари тушумлардан ошган. ([16-диаграмма](#)).

16-диаграмма

### «ВАЛЮТА ВА ДЕПОЗИТЛАР» КОМПОНЕНТИ БЎЙИЧА СОФ ЎЗГАРИШЛАР

(млн. доллар)



Банк сектори “валюта ва депозитлари”даги (вакиллик ҳисобварақлари ва банк кассаларидаги қолдиқлар) соф ўзгаришлар асосан резидентларнинг импорт операциялари бўйича тўловларни амалга ошириш зарурияти натижасида вужудга келди. Натижада, 2020 йилнинг якунларига кўра, маҳаллий банкларнинг хорижий валютадаги ва депозитлардаги соф активлари 617 млн. долларга кўпайди. Бунга, 2020 йилнинг IV чораги соф активларнинг 982 млн. долларга ўсиши сабаб бўлди.

Ташқи савдо шартномалари бўйича норезидентларга берилган савдо кредитлари ва бўнаклари бўйича операциялар сальдоси ижобий бўлиб, 2,1 млрд. долларни ташкил қилмоқда. Дебитор қарздорлик бўйича мазкур ўсиш карантин чора-тадбирларининг жорий қилиниши оқибатида ишлаб чиқаришдаги тўхталишлар эвазига вужудга келган бўлиши мумкин.

### Мажбуриятлар

“Бошқа инвестициялар” компоненти бўйича 2020 йил мобайнида мажбуриятларнинг соф ўсиши 7,9 млрд. долларни ташкил қилди (2,5 млрд. долларга ўсиш). Ушбу ўсишга асосан “Кредитлар ва қарзлар” компонентининг ,шунингдек, савдо кредитлари ва бўнакларининг кескин ўсиши таъсир кўрсатди (кредитор қарздорлик).

“Кредитлар ва қарзлар” компонентининг иқтисодиёт секторлари бўйича таҳлили шуни кўрсатдики, давлат бошқарув сектори мажбуриятларининг ортиш тенденцияси 2018 йилдан бошлаб сақланиб қолмоқда. Давлат секторининг ташқи қарзлар бўйича мажбуриятларининг соф қабул қилиниши 3,3 млрд. долларни ташкил қилди (*бир йил олдин 2,8 млрд. долл.*). Бу маблағлар глобал пандемия талофатларини бартараф қилиш учун, соғлиқни сақлаш тизимини қўллаб-қувватлаш, саноат ва ҳудудларни ривожлантириш билан боғлиқ давлат дастурларини молиялаштиришга йўналтирилиши кўзда тутилган. ([17-диаграмма](#)).

Банк секторининг кредитлар ва қарзлар бўйича мажбуриятларининг соф ўсиши 2020 йил давомида 2,5 млрд. долларни ташкил этди ва бу 2019 йил кўрсаткичига нисбатан 1,5 баробарга кўпdir. Ушбу ўсиш банк секторининг хорижий банклар ва халқаро молия институтларидан маблағларни кейинги қайта молиялаштириш учун жалб қилиш бўйича фаоллигининг ошиши билан боғлиқdir.

Бошқа секторларнинг ташқи қарз операциялари бўйича сальдоси 2019 йил кўрсаткичи даражасида қолди (*1,2 млрд. доллар*) ва бу энергетика соҳасидаги корхоналар томонидан олинган йирик кредитларни сўндириш муддати яқинлашганлиги билан изоҳланади.

2020 йилда “Савдо кредитлари ва бўнаклар” компоненти (*кредитор қарздорлик*) бўйича мажбуриятларнинг соф ўсиши 569 млн. долларни ташкил этди.


Мазкур ҳолат, ташқи савдо айланмаси қисқаришига ҳамда жорий йилнинг II чорагида норезидентлар олдидағи мажбуриятлар қисман қопланишига қарамасдан, карантин чоралари қўлланилган даврда экспорт шартномалари бўйича резидентлар томонидан олиниши лозим бўлган бўнак тўловлари ҳамда импорт шартномалари бўйича тўланиши лозим бўлган мажбуриятлар йиғилиб қолиши билан изоҳланади.

Савдо кредитларининг ва аҳоли қўлидаги хорижий валюта қолдиғининг ўсиши қисман ўзаро компенсацияланиши сабабли савдо кредитлари ва бўнаклар, шунингдек аҳолининг хорижий валютадаги жамғармалари бўйича оқимлар юқорида қайд этилган омилларни ҳисобга олган ҳолда акс эттирилган.

17-диаграмма

### “КРЕДИТЛАР ВА ҚАРЗЛАР” КОМПОНЕНТИ ТАРКИБИНИНГ СОФ ЎЗГАРИШЛАРИ

(млн. доллар)



## 1-киритма. Молиявий ҳисобда мажбуриятлар бўйича операциялар таркиби


Молиявий ҳисобда мажбуриятлар бўйича операциялар таҳлили шуни кўрсатдики, асосан ташқи дунё олдидағи мажбуриятлар бўйича оқимлар “Ссуда ва қарзлар” ҳамда “Тўғридан-тўғри инвестициялар” компонентларига тўғри келади.

2018-2020 йилларда ссуда ва қарзларнинг улуши тўғридан-тўғри инвестицияларнинг улушидан кўпроқ бўлди. Ушбу жараён саноат ва ҳудудларни ривожлантириш билан боғлиқ давлат дастурларини молиялаштириш мақсадида давлат бошқаруви сектори томонидан олинган қарзлар ҳажмининг ошиши билан изоҳланади. Шунингдек, 2018 йилдан бошлаб МТБ доирасида тўловларнинг кўпайиши ҳамда 2020 йилда пандемия сабабли тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ҳажми қисқарди.

2020 йилнинг натижаларига кўра, дунёning кўплаб мамлакатларида иқтисодий ўсишнинг пасайиши туфайли тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг соф ўсиши пасайиб кетди, ссудалар ва қарзлар бошқа дунё олдидағи мажбуриятларнинг соф ўсишида энг катта улушга (80%) эга бўлди, чунки ҳукумат сектори ва банк сектори ташқи қарзларни фаол жалб қилишни давом эттироқда.

Бундан ташқари, 2020 йил давомида молиявий ҳисоб операцияларида кузатилган маблағларнинг катта ҳажмларда кириб келиши кейинги чоракларда импорт ҳажмининг ошиши мүмкинлигини кўрсатмоқда.

### Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳамда ссуда ва қарзларнинг молиявий ҳисобдаги мажбуриятларнинг соф ўсишидаги улушлари\*



\*Диаграмма асосий улушга эга компонентларни акс эттиради.

Амалиётлар бўйича кўрсаткичлар соф асосда қайд этилган.

Тўғридан-тўғри инвестициялар бош компаниялардан олинган қарзларни ўз ичига олади.

Суда ва қарзлар жалб қилиниши бош компаниялардан олинган қарзларни инобатга олмайди.

## II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН ПОЗИЦИЯСИ


2020 йилда мамлакатнинг чет эл активлари ва ташқи мажбуриятларининг жами ҳажми мос равиша 65,9 млрд. доллар ва 45,6 млрд. долларни ташкил қилди. Шу муносабати билан, Ўзбекистон Республикасининг соф инвестицион позицияси 567,6 млн. долларга ўсиб, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига 20,4 млрд. долларни ташкил этди. Кўриб чиқилаётган давр мобайнида соф инвестицион позициянинг ўзгариши таҳлили шуни кўрсатдик, молиявий ҳисобнинг манфий сальдосига қарамай нооперацион ўзгаришлар<sup>6</sup> соф инвестицион позициянинг яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Халқаро инвестицион позициянинг иқтисодиёт секторлари бўйича таҳлили шуни кўрсатдик, 2020 йилнинг якунларига кўра, давлат бошқаруви сектори<sup>7</sup> ва бошқа секторлар “соф кредитор”<sup>8</sup> мавқенини сақлаб қолиб, банк сектори “соф қарздор” мавқеига эга бўлди ([18-диаграмма](#)).

18-диаграмма

### ИҚТИСОДИЁТ СЕКТОРЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН ПОЗИЦИЯ

(млн. доллар)



<sup>6</sup> Нооперацион ўзгаришлар валюталар курслари, активлар нархлари ва бошқа ўзгаришлардан ташкил топган бўлиб, улар молиявий ҳисобда операциялар сифатида акс эттирилмайди.

<sup>7</sup> Давлат бошқаруви сектори вазирликлар ва давлат идоралари ҳамда Марказий банкни ўз ичига олади. Банк секторига барча тижорат банклари киради.

<sup>8</sup> Соф кредитор - секторнинг активлари мажбуриятларидан ортиқ бўлса, соф қарздор – секторнинг мажбуриятлари активларидан ортиқ бўлса.

Шу билан бирга, таъкидлаб ўтиш лозимки, давлат сектори ва банк сектори томонидан ташқи қарзларнинг жалб қилинишига қарамасдан, соғ инвестицион позиция яхшиланиши асосан олтиннинг жаҳон нархининг позитив тенденцияси ҳисобига кузатилди.

## ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ СЕКТОРИ


### Активлар

2020 йилда давлат бошқаруви секторининг жами активлари монетар олтин қайта баҳоланишининг ижобий таъсири эвазига 5,7 млрд. долларга ортди. Жорий йилнинг бошидан халқаро молия бозорларида котировкаларнинг кескин ўсиши шароитида, “хавфсиз” актив сифатида баҳоланган олтиннинг нархи бир трой үнцияси 1511,5 доллардан 1891,1 долларгача кўтарилиб, давлат бошқарув сектори инвестицион позициясига ижобий таъсир ўтказди. ([\(19-Диаграмма\)](#))

19-диаграмма

### ОЛТИН ХАЛҚАРО НАРХИННИГ ЎЗГАРИШ ДИНАМИКАСИ

(доллар/тр.унцияга)



### Мажбуриятлар

Давлат бошқаруви секторининг мажбуриятлари давлатнинг ташқи қарзидан иборатdir. Бунда, кредитлар ва қарзлар бўйича норезидентлар олдидағи мажбуриятлар янги қарздорликларнинг жалб қилиниши ва қарздорлик қолдиғининг қайта баҳоланиши ҳисобига 3,6 млрд. доллар ҳамда Молия вазирлиги томонидан 2020 йилнинг IV чорагида халқаро капитал бозорида жойлаштирилган 555 млн.долл. ва 2 млрд. сўмлик еврооблигациялар ҳисобига 822 млн. долларга ортган.

## БАНК СЕКТОРИ

### Активлар

2020 мобайнида тижорат банкларининг жами ташқи активлари қиймати 635 млн. долларга кўпайиб, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига 2,8 млрд. долларни ташкил қилди. Тижорат банклари томонидан жойлаштирилган еврооблигациялар учун келиб тушган маблағлар валюта ва депозитлар қолдиғи ҳамда ностро-ҳисобварағидаги қолдиқлар кўпайишига сабаб бўлди.

### Мажбуриятлар

2020 йилнинг якунларига кўра, банк секторининг ташқи мажбуриятлари 3,7 млрд. долларга ўси. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, мажбуриятларнинг ўсиши асосан “Ссуда ва қарзлар” (2,7 млрд. долларга ўсиш), “Валюта ва депозитлар” (205 млн. долларга ўсиш) компонентлари ҳамда “Портфель инвестициялар” (икки тижорат банклари томонидан 300 млн.долл. жаҳон нархини ҳисобга олган ҳолда 636 млн.долл. еврооблигациялар эмиссия қилиниши ҳисобига) бўйича кузатилди.


Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига хорижий банклар ва халқаро молиявий муассасалар кредит ва қарзларининг банк секторининг норезидентлар олдидаги мажбуриятларидаги улуши 76,5 фоизга teng бўлиб, улар томонидан чиқарилган еврооблигациялар ҳисобига ўтган йилга нисбатан қисқарди.[\(20-диаграмма\)](#).

20-диаграмма

### БАНКЛАРНИНГ НОРЕЗИДЕНТЛАР ОЛДИДАГИ МАЖБУРИЯТЛАРИ ТУЗИЛИШИ


2020 йил 1 январь

- Тўғридан-тўғри инвестициялар
- Портфель инвестициялар
- Молиявий деривативлар
- Валюта и депозитлар
- Судалар и қарзлар



2021 йил 1 январь

- Тўғридан-тўғри инвестициялар
- Портфель инвестициялар
- Молиявий деривативлар
- Валюта и депозитлар
- Судалар и қарзлар



## БОШҚА СЕКТОРЛАР

### Активлар

2020 йилда бошқа секторларнинг ташқи активлари 4,7 млрд. долларга кўпайди. “Валюта ва депозитлар” компоненти бўйича активларнинг 2,6 млрд. долларга ўсиши кузатилиб, бу Ўзбекистон Республикасининг чет элда ишлаётган фуқаролари даромадларининг репатриация қилиниши (Ўзбекистонга қайтарилиши) ҳисобига содир бўлди. Шунингдек, 2,1 млрд. долларга тенг ўсиш (бир йил олдин 2,0 млрд. долларга ўсиш) “Савдо кредитлари ва бўнаклари” компоненти (дебитор қарздорлик) бўйича ҳам қайд этилди.

### Мажбуриятлар

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида бошқа секторларнинг мажбуриятлари 2,4 млрд. долларга ўсиб, асосан “Суда ва қарзлар” (1,3 млрд. доллар), “Тўғридан - тўғри инвестициялар” (603 млн. доллар) ва “Савдо кредитлари ва бўнаклар” (569 млн. доллар) компонентлари ҳисобига кузатилган бўлса, “Бошқа кредитор қарздорлик” компонентида 112 млн. долларга қолдиқларнинг пасайиши кузатилди.

“Тўғридан-тўғри инвестициялар” компоненти бўйича МТБ доирасида хорижий инвесторлардан келиб тушган маблағлар 377 млн. долларни<sup>9</sup>, шунингдек, хорижий инвесторларга ҳисобланган компенсацион тўловлар 653 млн. долларни ташкил қилиб, МТБ корхоналари бўйича инвестицияларнинг соф камайиши 276 млн. долларга тенг бўлди.

МТБ доирасида ишлайдиган корхоналарни ҳисобга олмаганда, 2020 йил давомида номолиявий корхоналар бўйича капиталга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг соф киритилиши 1,2 млрд. долларни, даромадларнинг реинвестицияси 503 млн. долларни, бош компанияларнинг қарз инструментлари шаклидаги инвестициялари эса 153 млн. долларни ташкил қилди. Бунинг натижасида, ушбу корхоналарга инвестицияларнинг соф ўсиши 1,9 млрд. долларни ташкил қилди.

Нобанк молия муассасалари (*суғурта ва лизинг компаниялари*) бўйича капиталга киритилган инвестицияларнинг соф ўсиши 2,8 млн. долларни ташкил этди. Шунингдек, реинвестиция қилинган даромадлар ҳам 972 минг долларга ортди.

Шу билан бирга, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўйича бошқа секторларнинг ташқи мажбуриятлари таркибида ўтган даврлар учун маълумотларда аниқланган статистик тузатишлар билан боғлиқ 1,0 млрд. доллар<sup>10</sup> қийматидаги бошқа манфий нооперацион ўзгаришлар ҳам кузатилди.

<sup>9</sup>МТБ доирасида хорижий инвесторлардан келиб тушган маблағлар, хорижий инвестициялар оқими сифатида баҳоланади ва тўғридан-тўғри инвестиция сифатида акс эттирилади. Юқорида кўрсатилган маблағлар МТБ операторининг лойиҳа доирасида чет элда очилган мақсадли ҳисобварағига келиб тушган.

<sup>10</sup>Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси ва МТБ корхоналари томонидан янгиланган маълумотларнинг тақдим этилиши натижасида қайта кўриб чиқилди.

### III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ҚАРЗИ


Умумий ташқи қарз резидентларнинг норезидентлар олдидағи асосий қарз ва фоизларни тұлаш талаб қилинадиган мажбуриятларини акс эттиради. Умумий ташқи қарз давлат қарзи ва давлат томонидан кафолатланған қарз (кейинги ўринда - давлат ташқи қарзи) ҳамда давлат томонидан кафолатланмаган (кейинги ўринда - хусусий ташқи қарз) қарзлардан иборат.

Умумий ташқи қарзи ўсуучан тенденцияга эга бўлиб, ундаги ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатдики, давлат ташқи қарзи ўсиши COVID-19 пандемияси оқибатида юзага келган инқирознинг ижтимоий-иқтисодий таъсирини юмшатиш учун ҳамда ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини молиялаштириш учун янги қарзларнинг жалб қилиниши билан изоҳланса, хусусий сектор ташқи қарзи асосан тижорат банклари томонидан қарз олишнинг кўпайиши ҳисобига кузатилмоқда. Бунда, 2019 йилдан бошлаб давлат ташқи қарзи кескин ўсишини кузатиш мүмкін. ([\(21-диаграмма\)](#)).

21-диаграмма

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ УМУМИЙ ТАШҚИ ҚАРЗИННИНГ ДИНАМИК ҚАТОРЛАРИ<sup>11</sup>

(млрд. доллар)



<sup>11</sup>2018 йилнинг бошида ташқи қарзни ҳисоблаш методологияси қайта кўриб чиқилган эди ва 2018 йилдан бошлаб ташқи қарз бўйича қарздорликнинг қолдиғини ҳисоблашда ҳисоблаб чиқилган, аммо тўланмаган фоизлар ҳам инобатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси умумий ташқи қарзининг ҳажми 2020 йил бошига нисбатан 37,4 фоизга ёки 9,2 млрд. долларга ошган ҳолда, 2021 йил 1 январь ҳолатига 33,8 млрд. долларни ташкил қилди.<sup>12</sup> (4-жадвал).

4-жадвал

УМУМИЙ ТАШҚИ ҚАРЗ ТАРКИБИ ВА УНДАГИ ЎЗГАРИШЛАР<sup>13</sup>

(млн. доллар)

Иқтисодиёт сектори	Қуийдаги саналар ҳолатига кўра қарздорлик			Салмоғи	2020 йил давомидаги ўзгариш
	01.01.2019 й.	01.01.2020 й.	01.01.2021 й.		
Умумий ташқи қарз	17 159,1	24 632,0	33 841,8	100%	9 209,9
Давлат ташқи қарзи	9 950,5	15 869,6	21 346,0	63%	5 476,4
шундан: Ўзбекистон Республикаси халқаро облигациялари	-	1 107,0	1 929,4	6%	822,4
Хусусий ташқи қарз	7 208,6	8 762,4	12 495,8	37%	3 733,4
шундан: бош компанияларидан	687,8	825,8	911,4	3%	85,6
<b>Секторларнинг хусусий ташқи қарздаги улушлари</b>					
Банк сектори	978,2	2 920,2	6 280,9	19%	3 360,8
шундан: тижорат банкларининг халқаро облигациялари	-	307,4	937,5	3%	630,1
Портфель инвестициялари	36,4	23,9	-15,2	45,2	8,8
Ссудалар ва қарзлар	9 085,0	1 245,7	85,9	10 416,6	1 331,6
Савдо кредитлари ва бўнаклар	190,6	568,5	0,2	759,3	568,7
Бошқа кредиторлик қарздорлиги	976,6	93,4	-205,6	864,5	-112,2

**2020 ЙИЛ УЧУН ХУСУСИЙ ТАШҚИ ҚАРЗ БҮЙИЧА ТУШУМЛАР ВА ТҮЛОВЛАР ТҮФРИСИДА МАЪЛУМОТ**

(Қарз олувчининг түри: барча қарз олувчилар)

(млн.доллар)

Кредитор тури	Давр бошига	Давр давомидаги ҳаракати					Давр охирига
	Асосий қарз бўйича ҳақиқий қарздорлик	Тушум	Асосий қарз бўйича сўндириш	Фоиз тўловлари бўйича тўланган	Асосий қарз бўйича кўчирилган тўлашлар	Фоизлар бўйича кўчирилган тўлашлар	Асосий қарз бўйича ҳақиқий қарздорлик
1	2	3	4	5	6	7	8
Хорижий банклар ва бошқа молиявий институтлар	6 593,1	4 125,9	1 753,0	319,2	-	-	9 157,0
Хорижий бош компаниялар ва филиаллар	794,8	216,4	40,5	2,8	-	-	923,6
Экспортчилар ва бошқа хусусий манбалар	494,9	366,1	101,1	13,7	-	-	762,5
Расмий манбалар (Ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар)	388,5	214,9	118,0	26,4	-	-	465,9
Халқаро облигациялар	307,4	600,0	-	17,3	-	-	937,5
<b>ЖАМИ</b>	<b>8 578,6</b>	<b>5 523,4</b>	<b>2 012,5</b>	<b>379,4</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>12 246,4</b>

**АСОСИЙ ҚАРЗ ВА ФОИЗЛАР БЎЙИЧА БЎЛАЖАК ТЎЛОВЛАРНИНГ ПРОГНОЗИ**

(Қарз олувчининг тури: барча қарз олувчилар)

**Асосий қарз**

(млн. доллар)

Кредитор тури	2021	2022	2023	2024	2025	2026	2027	2027дан кейин	ЖАМИ
Хорижий банклар ва бошқа молиявий институтлар	3 414,0	1 668,2	1 428,2	888,4	634,3	612,5	203,9	307,6	9 157,0
Хорижий бош компаниялар ва филиаллар	237,8	470,5	142,7	33,5	12,5	9,5	-	17,1	923,6
Экспортчилар ва бошқа хусусий манбалар	343,8	189,7	120,8	29,5	22,8	28,9	3,1	24,0	762,5
Расмий манбалар (Ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар)	192,1	131,6	103,1	21,0	4,5	3,5	3,5	6,5	465,9
Халқаро облигациялар	-	-	-	300,0	600,0	-	-	-	900,0
<b>ЖАМИ</b>	<b>4 187,7</b>	<b>2 460,1</b>	<b>1 794,7</b>	<b>1 272,3</b>	<b>1 274,1</b>	<b>654,4</b>	<b>210,4</b>	<b>355,3</b>	<b>12 209,0</b>

**Фоизлар**

(млн. доллар)

Кредитор тури	2021	2022	2023	2024	2025	2026	2027	2027дан кейин	ЖАМИ
Хорижий банклар ва бошқа молиявий институтлар	68,8	19,8	7,4	3,0	2,6	1,6	0,7	-	103,8
Хорижий бош компаниялар ва филиаллар	48,3	30,8	8,9	31,5	0,1	-	-	0,1	119,7
Экспортчилар ва бошқа хусусий манбалар	11,9	0,4	0,0	0,0	0,1	-	-	-	12,5
Расмий манбалар (Ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар)	12,4	0,9	-	-	-	-	-	-	13,3
<b>ЖАМИ</b>	<b>141,5</b>	<b>51,9</b>	<b>16,3</b>	<b>34,6</b>	<b>2,7</b>	<b>1,6</b>	<b>0,7</b>	<b>0,1</b>	<b>249,4</b>

14.3 -илова

**2020 ЙИЛ УЧУН ХУСУСИЙ ТАШҚИ ҚАРЗ БҮЙИЧА ТУШУМЛАР ВА ТҮЛОВЛАР ТҮҒРИСИДА МАЪЛУМОТ**  
**(Қарз олувчининг түри: банклар)**

Кредитор түри	Давр бошига	Давр давомидаги ҳаракати					(млн. доллар)
	Асосий қарз бўйича ҳақиқий қарздорлик	Түшум	Асосий қарз бўйича сўндириш	Фоиз тўловлари бўйича сўндирилган	Асосий қарз бўйича кўчирилган тўлашлар	Фоизлар бўйича кўчирилган тўлашлар	
1	2	3	4	5	6	7	8
Хорижий банклар ва бошқа молиявий институтлар	2 214,7	3 434,4	1 051,7	134,4	-	-	4 753,0
Хорижий бош компаниялар ва филиаллар	-	-	-	-	-	-	-
Экспортчилар ва бошқа хусусий манбалар	108,6	79,6	5,2	9,5	-	-	189,9
Расмий манбалар (Ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар)	255,1	213,7	89,9	17,8	-	-	349,1
Халқаро облигациялар	307,4	600,0	-	17,3	-	-	937,5
<b>ЖАМИ</b>	<b>2 885,7</b>	<b>4 327,7</b>	<b>1 146,8</b>	<b>178,9</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>6 229,5</b>

14.4 -илова

**АСОСИЙ ҚАРЗ ВА ФОИЗЛАР БЎЙИЧА БЎЛАЖАК ТЎЛОВЛАРНИНГ ПРОГНОЗИ**

(Қарз олувчининг тури: банклар)

**Асосий қарз**

(млн. доллар)

Кредитор тури	2021	2022	2023	2024	2025	2026	2027	2027дан кейин	ЖАМИ
Хорижий банклар ва бошқа молиявий институтлар	2 077,1	705,6	751,3	442,3	246,7	176,2	163,0	190,6	4 753,0
Хорижий бosh компаниялар ва филиаллар	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Экспортчилар ва бошқа хусусий манбалар	78,9	61,3	49,8	-	-	-	-	-	189,9
Расмий манбалар (Ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар)	150,8	92,1	74,5	13,7	4,5	3,5	3,5	6,5	349,1
Халқаро облигациялар	-	-	-	300,0	600,0	-	-	-	900,0
<b>ЖАМИ</b>	<b>2 306,8</b>	<b>859,0</b>	<b>875,6</b>	<b>756,0</b>	<b>851,2</b>	<b>179,7</b>	<b>166,5</b>	<b>197,1</b>	<b>6 192,0</b>

**Фоизлар**

(млн. доллар)

Кредитор тури	2021	2022	2023	2024	2025	2026	2027	2027дан кейин	ЖАМИ
Хорижий банклар ва бошқа молиявий институтлар	36,3	3,2	3,8	0,1	0,1	0,0	0,1	-	43,6
Хорижий бosh компаниялар ва филиаллар	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Экспортчилар ва бошқа хусусий манбалар	2,5	-	-	-	-	-	-	-	2,5
Расмий манбалар (Ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар)	4,4	0,9	-	-	-	-	-	-	5,3
<b>ЖАМИ</b>	<b>43,2</b>	<b>4,1</b>	<b>3,8</b>	<b>0,1</b>	<b>0,1</b>	<b>0,0</b>	<b>0,1</b>	<b>-</b>	<b>51,4</b>

**2020 ЙИЛ УЧУН ХУСУСИЙ ТАШҚИ ҚАРЗ БҮЙИЧА ТУШУМЛАР ВА ТҮЛОВЛАР ТҮФРИСИДА МАЪЛУМОТ**

(Қарз олувчининг тури: түғридан-түғри инвестицияси бўлган ташкилотлар)

Кредитор тури	Давр бошига	Давр давомидаги ҳаракати					Давр охирига (млн. доллар)
	Асосий қарз бўйича ҳақиқий қарздорлик	Тушум	Асосий қарз бўйича сўндириш	Фоиз тўловлари бўйича сўндирилган	Асосий қарз бўйича кўчирилган тўлашлар	Фоизлар бўйича кўчирилган тўлашлар	
1	2	3	4	5	6	7	8
Хорижий банклар ва бошқа молиявий институтлар	3 977,0	94,3	662,1	159,3	-	-	3 423,4
Хорижий бosh компаниялар ва филиаллар	794,8	211,9	40,3	2,8	-	-	919,1
Экспортчилар ва бошқа хусусий манбалар	127,5	126,3	20,8	0,5	-	-	231,4
Расмий манбалар (Хукуматлар ва халқаро ташкилотлар)	115,7	-	27,4	8,4	-	-	89,3
<b>ЖАМИ</b>	<b>5 014,9</b>	<b>432,5</b>	<b>750,6</b>	<b>171,1</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>4 663,2</b>

14.6- илова

**АСОСИЙ ҚАРЗ ВА ФОИЗЛАР БЎЙИЧА БЎЛАЖАК ТЎЛОВЛАРНИНГ ПРОГНОЗИ**

(Қарз олувланинг тури: тўғридан-тўғри инвестицияси бўлган ташкилотлар)

**Асосий қарз**

(млн. доллар)

Кредитор тури	2021	2022	2023	2024	2025	2026	2027	2027дан кейин	ЖАМИ
Хорижий банклар ва бошқа молиявий институтлар	850,5	619,8	635,6	406,1	362,6	409,6	22,2	117,0	3 423,4
Хорижий бош компаниялар ва филиаллар	236,4	469,6	141,7	32,6	12,2	9,5	-	17,1	919,1
Экспортчилар ва бошқа хусусий манбалар	55,3	63,5	32,9	13,2	20,4	28,8	3,1	14,1	231,4
Расмий манбалар (Хукуматлар ва халқаро ташкилотлар)	23,8	34,6	23,5	7,3	-	-	-	-	89,3
<b>ЖАМИ</b>	<b>1 166,0</b>	<b>1 187,5</b>	<b>833,8</b>	<b>459,3</b>	<b>395,2</b>	<b>448,0</b>	<b>25,2</b>	<b>148,3</b>	<b>4 663,2</b>

**Фоизлар**

(млн. доллар)

Кредиторнинг тури	2021	2022	2023	2024	2025	2026	2027	2027дан кейин	ЖАМИ
Хорижий банклар ва бошқа молиявий институтлар	23,8	12,2	-	-	-	-	-	-	35,9
Хорижий бош компаниялар ва филиаллар	48,3	30,8	8,9	31,5	0,1	-	-	0,1	119,7
Экспортчилар ва бошқа хусусий манбалар	0,6	0,3	0,0	0,0	0,1	-	-	-	1,0
Расмий манбалар (Хукуматлар ва халқаро ташкилотлар)	4,0	-	-	-	-	-	-	-	4,0
<b>ЖАМИ</b>	<b>76,7</b>	<b>43,3</b>	<b>8,9</b>	<b>31,5</b>	<b>0,2</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>0,1</b>	<b>160,7</b>

**2020 ЙИЛ УЧУН ХУСУСИЙ ТАШҚИ ҚАРЗ БҮЙИЧА ТУШУМЛАР ВА ТҮЛОВЛАР ТҮҒРИСИДА МАЪЛУМОТ**  
*(Қарз олувчининг тури: банклар ва түғридан-түғри инвестицияси бўлган ташкилотлардан ташқари, барча қарз олувчилар)*

Кредитор тури	Давр бошига	Давр давомидаги ҳаракати					(млн. доллар)
	Асосий қарз бўйича ҳақиқий қарздорлик	Тушум	Асосий қарз бўйича сўндириш	Фоиз тўловлари бўйича сўндирилган	Асосий қарз бўйича кўчирилган тўлашлар	Фоизлар бўйича кўчирилган тўлашлар	
1	2	3	4	5	6	7	8
Хорижий банклар ва бошқа молиявий институтлар	401,4	597,3	39,2	25,4	-	-	980,6
Хорижий бош компаниялар ва филиаллар	-	4,6	0,2	-	-	-	4,5
Экспортчилар ва бошқа хусусий манбалар	258,8	160,2	75,1	3,7	-	-	341,2
Расмий манбалар (Ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар)	17,7	1,2	0,7	0,2	-	-	27,5
<b>ЖАМИ</b>	<b>677,9</b>	<b>763,3</b>	<b>115,2</b>	<b>29,4</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>1 353,7</b>

**АСОСИЙ ҚАРЗ ВА ФОИЗЛАР БЎЙИЧА БЎЛАЖАК ТЎЛОВЛАРНИНГ ПРОГНОЗИ**

(Қарз олувчининг тури: банклар ва тўғридан-тўғри инвестицияси бўлган ташкилотлардан ташқари, барча қарз олувчилар)

**Асосий қарз**

(млн. доллар)

Кредитор тури	2021	2022	2023	2024	2025	2026	2027	2027дан кейин	ЖАМИ
Хорижий банклар ва бошқа молиявий институтлар	486,4	342,7	41,3	39,9	25,0	26,6	18,7	-	980,6
Хорижий бош компаниялар ва филиаллар	1,5	0,9	0,9	0,9	0,3	-	-	-	4,5
Экспортчилар ва бошқа хусусий манбалар	209,6	64,9	38,1	16,3	2,4	0,0	-	9,8	341,2
Расмий манбалар (Ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар)	17,5	5,0	5,0	-	-	-	-	-	27,5
<b>ЖАМИ</b>	<b>714,9</b>	<b>413,6</b>	<b>85,3</b>	<b>57,1</b>	<b>27,7</b>	<b>26,7</b>	<b>18,7</b>	<b>9,8</b>	<b>1 353,7</b>

**Фоизлар**

(млн. доллар)

Кредитор тури	2021	2022	2023	2024	2025	2026	2027	2027дан кейин	ЖАМИ
Хорижий банклар ва бошқа молиявий институтлар	8,7	4,4	3,6	2,9	2,5	1,6	0,6	-	24,3
Хорижий бош компаниялар ва филиаллар	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Экспортчилар ва бошқа хусусий манбалар	8,8	0,1	0,0	0,0	0,0	-	-	-	9,0
Расмий манбалар (Ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар)	4,0	-	-	-	-	-	-	-	4,0
<b>ЖАМИ</b>	<b>21,6</b>	<b>4,5</b>	<b>3,7</b>	<b>2,9</b>	<b>2,5</b>	<b>1,6</b>	<b>0,6</b>	<b>-</b>	<b>37,3</b>

## МЕТОДОЛОГИК ИЗОХ

2018 йилдан бошлаб Марказий банк Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича Қўлланманинг олтинчи нашрига (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) мувофиқ тўлов баланси, халқаро инвестицион позицияси ва ташки қарз кўрсаткичларини тайёрлаб келмоқда.

Ташки сектор статистикаси (тўлов баланси ва халқаро инвестицион позицияси)ни тузищдан асосий мақсад мамлакатнинг ташки иқтисодий фаолиятини, хусусан унинг кўрсаткичлари, валюта курси сиёсати, захираларни бошқариш ва эҳтимолий рискларга нисбатан ташки таъсирчанлигини таҳдил қилиш учун умумлаштирилган асосни таъминлашдир.

Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси, халқаро инвестицион позицияси ва ташки қарзи бўйича маълумотлар фойдаланувчиларга чораклик асосда тақдим этилади.

Тўлов баланси, халқаро инвестицион позиция ҳамда ташки қарз бўйича маълумотлар сўнгги мавжуд маълумотлар асосида мунтазам равишда қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Ушбу методологиянинг изоҳи Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича Қўлланманинг олтинчи нашридан (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) олинган бўлиб, фойдаланувчиларга тўлов балансининг асоси, принциплари ва кўрсаткичларининг таркибини тушунишла-рини осонлаштиришга мўлжалланган.

### 1.1. Тўлов балансининг методологик стандартлари.

Тўлов баланси – маълум бир давр мобайнida резидент ва норезидентлар ўртасидаги иқтисодий операцияларни умулаштирган кўринишда акс эттирувчи тизимлаштирилган макроиқтисодий ва статистик ҳисбот. Маълумотлар ТБҚ (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) асосида ҳисоб юритиш-нинг стандарт

қоидалари ва тамойилларига мувофиқ тузилади ва таснифланади.

### Таърифлар ва асосий тамойиллар.

Таркибий жиҳатдан тўлов баланси жорий операциялар ҳисоби, капитал операциялари ҳисоби ва молиявий ҳисобдан иборат. Жорий операциялар ҳисоби савдо баланси, бирламчи ва иккиласми даромадлар балансини қамраб олади. Капитал операциялари ҳисоби ишлаб чиқарилмаган номолиявий активлар ва капитал трансферларининг келиб тушиши / чиқиб кетишини кўрсатади. Молиявий ҳисоб тўғридан-тўғри инвестициялар, портфел инвестициялар, молиявий деривативлар, бошқа инвестициялар ва захира активларидан иборатдир.

Жорий операциялар ҳисоби ва капитал операциялари ҳисоби сальдоларининг йиғиндиши дунёнинг қолган қисми соғ кредитланишини (тўлов баланси сальдосини) кўрсатади. Назарий жиҳатдан у молиявий ҳисоб сальдо-сига teng бўлиши керак. Молиявий ҳисоб ҳамда нооперацон ўзгаришлар (курс, нарх ва бошқалар) йиғиндиши халқаро инвестицион позициянинг давр боши ва охиридаги қолдиқ-лар ўртасидаги фарқни беради.

**Иқтисодий бирлик** – иқтисодий манфаатлар марказига ҳамда бир йилдан ортиқ бўлган муддат давомида мамлакат ҳудудида доимий жойлашувига эга бўлганда резидент ҳисобланади. Бунда жисмоний шахслар учун резидентлик фуқаролигидан қатъи назар аниқланади.

**Мамлакатнинг иқтисодий ҳудуди** ҳукумат томонидан бошқариладиган ва бир хил қонунчилик амал қиласидиган унинг географик ҳудудидан иборатдир.

Жисмоний ёки юридик шахс давомий ёки муддати бўйича чекланмаган вақт давомида мамлакатнинг иқтисодий ҳудуди доирасида маълум бир жойлашув – турар жой, ишлаб

чиқариш жойи ёки кўчмас мулкка эга бўлганда **мамлакатда иқтисодий манфаатлар марказига эга ҳисобланади.**

### Иқтисодий секторлар

Тўлов баланси молиявий ҳисобининг таркибий қисмлари – тўғридан тўғри инвестициялар, портфел инвестициялар, молиявий деривативлар ва бошқа инвестициялар – операцияларни амалга ошираётган резидентлар бўйича гурухланади:

Марказий банк – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки;

Марказий банкдан ташқари депозит ташкилотлар – Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари;

Ҳукумат – давлат бошқарувининг марказий ва маҳаллий органлари;

Бошқа соҳалар икки турга бўлинади: бошқа молиявий ташкилотлар (микромолиявий ташкилотлар, суғурта ташкилотлари ва бошқалар) ҳамда номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлари ва уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар.

### Транзакцияларнинг турлари

- айирбошлашлар – операциянинг бир иштирокчиси томонидан иқтисодий қийматнинг унга teng бошқа қийматга ўtkазилишини англаувчи айирбошлаш сифатида талқин қилинадиган транзакциялар. Тўлов балансида акс этувчи транзакцияларнинг аксарияти айирбошлашлар сифатида таснифланиши мумкин;

- трансферлар – бир томон бошқа бир томонга ҳеч қандай мажбуриятларсиз иқтисодий қийматни тақдим қилишини ифодаловчи транзакциялар.

- инобатга олинадиган транзакциялар – тўлов балансида инобатга олинадиган ва акс эттириладиган, амалда тўлови бажарилмаган яъни ҳисоблаб ёзилган транзакциялар.

Юқорида қайд этилган транзакциялар тўлов балансининг ҳисбларида қўйидагича акс эттирилади:

Товарлар мамлакатнинг чегарасини кесиб ўтувчи товарлар билан амалга ошириладиган барча транзакцияларни ёки резидент ва норезидентлар ўртасида эгалик ҳуқуқининг ўтишини (тўлов балансининг методологияси бўйича товарлар экспорти ва импорти, портларда сотиб олинган товарлар ва номонетар олтин) ўз ичига олади.

Хизматлар резидентнинг норезидентга ва норезидентнинг резидентга кўрсатган барча турдаги хизматларни қамраб олади ва қўйидагиларга бўлинади:

- бошқа томонга тегишли бўлган моддий ресурсларни қайта ишлаш билан боғлиқ хизматлар;
- бошқа категорияларга тегишли бўлмаган ремонт ва техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ хизматлар;
- барча турдаги транспорт хизматлари (йўловчи, юк ва бошқалар);
- саёҳатлар (иш ва туризм мақсадларида Ўзбекистонда саёҳат қилаётган норезидентларнинг харажатлари ҳамда иш ва туризм мақсадларида хорижда саёҳат қилаётган резидентларнинг харажатлари);
- молиявий воситачиларнинг хизматлари;
- бошқа категорияларга кирувчи хизматлар (қурилиш, суғурта, компьютер ва ахборот хизматлари, бошқа иш билан боғлиқ хизматлар, хусусий шахсларга кўрсатилган маданий ва дам олишга оид хизматлар, бошқа категорияларга мансуб бўлмаган давлат товарлари ва хизматлари);

**Бирламчи даромадлар** резидент ва норезидентлар ўртасидаги икки турдаги оқимларни кўрсатади:

- иш берувчи томонидан иш ҳақи эвазига пул ёки натурал шаклда тўланган ишчининг даромади бўлиб, бунда операцияларнинг иштирокчилари турли резидентлик мавқеига эга. Бу мукофотлар ташриф буюрилган мамлакатда тўланадиган ва жорий трансферлар сифатида акс эттириладиган солиқларни ҳам ўз ичига олади. Ташриф буюрилган мамлакатдаги ишчиларнинг

харжатлари «Хизматлар» бўлимининг «Сафарлар» компонентида акс эттирилади;

- инвестицион даромадлар резидентнинг ташки активлари ёки ташки мажбуриятлар бўйича қўлга киритган ёки тўлаб бериши лозим бўлган даромадларни ўз ичига олади. Инвестицион даромадлар тўғридан тўғри инвестициялар, портфел инвестициялар, бошқа инвестициялар ва захира активлари бўйича даромадларни ўз ичига олади. Инвестицион даромадлар дивидендлар, реинвестиция қилинган даромадлар, фоизлар ва суғурта ҳамда нафақа схемаларига эга шахсларнинг ва инвестицион фондларнинг пайларига эга шахсларга тўланган маблағлардан иборат.

**Иккиламчи даромадлар** резидент ва норезидентлар ўртасидаги жорий трансферларни кўрсатади. Ушбу даромадлар категориясида бир иқтисодиётдан бошқа иқтисодиётга ҳеч қандай мажбуриятларсиз ўtkазилган молиявий ёки моддий ресурслар акс эттирилади. Грантлар, гуманитар ва техник кўмаклар иккиламчи даромадларнинг энг кўп тарқалган мисоллари ҳисобланади. Мазкур груп, шунингдек, жорий халқаро ҳамкорлик, жорий даромад солиқлари, шахсий трансферлар, ижтимоий тўловлар ва ҳаётни суғурталаш билан боғлиқ бўлмаган суғурта тўловларни ҳам ўз ичига олади.

**Капитал ҳисоби** резидент ва норезидентлар ўртасидаги олиниши ёки тўланиши лозим бўлган капитал трансферларни, шунингдек, ишлаб чиқарилмаган номолиявий активларнинг сотиб олиниши ёки сотилишини акс эттиради. Трансферт агар асосий фондларни сотиб олиш мақсадига ега бўлса ёки капитал қурилишни назарда тутса капитал ҳисобланади.

Ишлаб чиқарилмаган номолиявий активлар шартномалар, лицензиялар, маркетинг активлари ва табиий ресурслар (яъни, ер) каби номоддий активларни ўз ичига олади.

**Молиявий ҳисоб** активлар ва мажбуриятлар бўйича тўғридан тўғри инвестициялар, портфел инвестициялар, молиявий

деривативлар, бошқа инвестициялар ва захира активлари каби бўлимларга ажратилади.

**Тўғридан-тўғри инвестициялар** халқаро инвестицияларнинг категорияси бўлиб, бунда бир иқтисодиёт резиденти (тўғридан-тўғри инвестор) узоқ муддатли фаолият юритиш учун бошқа иқтисодиёт резидентининг (тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхона) улушларини сотиб олади. Компаниянинг овоз бериш ҳуқуқини берувчи оддий акцияларнинг 10%дан кам бўлмаган улушига ёки акциядорлик жамияти шаклида бўлмаган компанияда мос улушга эгалик қилувчи инвестор тўғридан-тўғри инвестор ҳисобланади. «Тўғридан-тўғри инвестициялаш» тушунчалик ўзаро боғлиқ корхоналар ўртасида маблағ ва моддий ресурслар киритилишини ҳам қамраб олади (корхоналар, уларнинг филиаллари ва бош офислари ўртасидаги капитал инвестициялар). Тўғридан тўғри инвестициялар акциядорлик капитали, реинвестиция қилинган даромад ва бошқа даромадларни ўз ичига олади.

**Портфел инвестициялар** инвестицион фондларнинг акция ва пайлари ҳамда қарз қимматли қофозлари каби шаклларга эга. Халқаро бозорларда муомалада бўлган қарз қимматли қофозлари бозор нархларида акс эттирилади.

**Молиявий деривативлар** бу молиявий воситалар бўлиб, бунда улар маълум бир молиявий воситаларга, кўрсаткичларга ёки хом-ашё товарларига боғланади ҳамда улар орқали маҳсус молиявий хатарлар сотилиши ёки сотиб олиниши мумкин. Молиявий деривативлар бўйича транзакциялар своп, опцион, кафолат, депозит ва бошқалар бўйича транзакцияларни ўз ичига олади ҳамда соф асосда баҳоланади.

**Бошқа инвестициялар** биринчи навбатда молиявий активларнинг соф ўзгариши ва молиявий мажбуриятларнинг соф ўзгариши бўлимларига ажратилади. Бошқа инвестициялар бошқа қимматли қофозлар, валюта ва депозитлар, қарз мажбуриятлари, суғурта ва нафақа схемалари, савдо

кредитлари ва бўнаклари, тушум/тўлов учун бошқа ҳисобларни қамраб олади.

Бошқа қимматли қоғозлар тўғридан тўғри инвестициялар ёки захира активлари бўлмаган инвестицияларни ўз ичига олади. Бошқа қимматли қоғозлар қимматли қоғозлар шаклида бўлмайди, шунинг учун қимматли қоғозлар бўлимига киритилмайди.

Валюта ва депозитлар Марказий банк, тижорат банклари, айрим ҳолларда бошқа институционал секторларга нисбатан барча талабларни ўз ичига олиб, нақд пул ва тангалар ҳамда депозит кўринишида бўлади.

Суғурта, нафақа дастурлари ва стандарт суғурта дастурлари (а) суғурта техник захиралари (ҳаётни суғурталашдан ташқари), (б) ҳаёт суғуртаси ва аннуитет бўйича тўлов ҳуқуқи, (в) нафақа олиш ҳуқуқи, (г) нафақа жамғармалари маблағларини бошқарувчи компанияларга нисбатан нафақа жамғармаларининг талблари, (д) нафақа жамғармалари билан боғлиқ бўлмаган ижтимоий тўлов учун ҳуқуқ, (е) стандарт кафолат бўйича талабларни қоплаш учун захираларни ўз ичига олади.

Савдо кредитлари ва бўнаклари товар ва кўрсатилган хизматларга нисбатан эгалик ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган пайтда у учун тўлов ўша пайтнинг ўзида амалга оширилмаслик ҳолатида пайдо бўлади. Агар эгалик ҳуқуқининг ўтишигача тўлов амалга оширилса, савдо бўнаки ўринли бўлади.

Тушум / тўлов учун бошқа ҳисоблар юқорида келтирилган категориялардан ташқари тушум / тўлов учун бошқа ҳисоблардан иборат.

**Махсус қарз олиш ҳуқуқи (МҚҲ)** халқаро захира активи бўлиб, ХВЖ томонидан яратилган ва унинг аъзоларига уларнинг расмий захираларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилади. МҚҲга фақат ХВЖ аъзоларининг монетар органлари ва чекланган миқдордаги халқаро молиявий институтлар эгалик қилиши мумкин.

**Захира активлари** ташқи активлар бўлиб, Марказий банк ихтиёрида бўлади ва у томонидан тўлов балансини молиялаштириш,

валюта бозорида интервенцияни амалга ошириш ва шу билан боғлиқ бошқа мақсадларда фойдаланилади.

Тўлов баланси **икки ёқлама ёзув тизими** асосида шакллантирилади. Ҳар бир транзакция бир хил катталиқдаги иккита ёзув билан акс эттирилади. Ёзувларнинг бири кредит бўйича, бошқаси дебет бўйича амалга оширилади. Масалан, экспорт операцияси амалга оширилганда, ушбу транзакция тўлов балансининг «экспорт» қисмида кредит бўйича ва «Активлар – валюта ва депозитлар» қисмида дебет бўйича акс эттирилади. Барча дебет ва кредит ёзувларининг йиғиндиси нолга тенг бўлиши керак. Аммо амалиётда кўп ҳолларда ҳисоблар мувозанатлашмайди. Тўлов баланси учун маълумотлар кўпинча турли хил манбалардан олинади ва бунинг оқибатида фарқлар пайдо бўлиб, улар «соғ хато ва йўқотишлар» қаторида акс эттирилади.

**Кредит бўйича ёзувлар** экспорт, олинган бирламчи ва иккиласмачи даромадлар ва ишлаб чиқарилмаган номолиявий активларнинг хариди бўйича амалга оширилади.

**Дебет бўйича ёзувлар** импорт, тўланган бирламчи ва иккиласмачи даромадлар ва ишлаб чиқарилмаган номолиявий активларнинг сотуви бўйича амалга оширилади.

Халқаро ҳисоблар **молиявий ҳисобдаги соғ ўзгаришлар ёзуви тамойилига амал қилади**. Соғ ёзувлар тамойили тўлов балансининг айнан бир томонидаги маълум бир молиявий активлар ва мажбуриятларнинг соғ ўзгаришини кўрсатади (ўсишдан пасайишини айириш орқали). Молиявий активлар ва мажбуриятлар бўйича транзакциялар «Молиявий активларнинг соғ ўзгариши» ва «Молиявий мажбуриятларнинг соғ ўзгариши» бўлимида акс эттирилади. Молиявий активларнинг соғ ўзгариши активнинг ошиши ва айнан шу активнинг камайиши ўртасидаги фарқقا тенгdir. Мусбат ишорали ёзув активларнинг кўпайишини, манфий ишорали ёзув активларнинг камайишини англатади. Молиявий мажбуриятларнинг соғ ўзгаришини ҳисоблашда активларни ҳисоблашдаги каби усульдан фойдаланилади.

**Бозор нархлари** халқаро ҳисобларни баҳолашнинг асоси ҳисобланади. Транзакциялар бўйича бозор нархлари харидорнинг ихтиёрий равишда бирор-бир нарсани уни ихтиёрий равишда сотаётган сотувчига тўлашга тайёр бўлган маблағларнинг ҳажми каби аниқланади. Айирбошлиш фақатгина мустақил шахслар ўртасида ва тижорат мақсадларида амалга оширилади.

**Транзакциянинг қайд этилиш вақти** – мулк ҳуқуки ўтишининг ҳақиқий ёки баҳоланган вақти. Бу транзакция молиявий ҳисботларда акс эттирилган вақтдир.

#### **Тўлов балансининг стандарт ва таҳлилий кўриниши**

Стандарт кўриниши – тўлов баланси кўрсаткичлари миллий ҳисоблар ва бошқа макроиқтисодий статистикага мувофиқ бўлган шаклда гурухланади.

Тўлов балансининг таҳлилий кўриниши – халқаро захиралар, халқаро донорларнинг кредитлари ва бошқа манбалар томонидан тўлов балансининг умумий салдосини молиялаштириш манбаларини акс эттириш мақсадида тўлов балансининг стандарт кўринишини қайта ташкил қилишни кўзда тутади.

#### **1.2. Маълумотларнинг манбалари ва компонентларни тузиш бўйича изоҳлар**

Давлат божхона қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, маҳсулот тақсимотига оид келишув бўйича корхоналар ва операторларнинг маълумотлари, Давлат персоналлаштириш маркази, Марказий банк, Молия вазирлиги, Ташки ишлар вазирлиги ва бошқа давлат ҳамда хусусий ташкилотлар тўлов балансини тузиш учун керакли маълумотларнинг асосий манбалари ҳисобланади.

Маълумотларнинг сифатини яхшилаш ва уларнинг методология билан мувофиқлигини таъминлаш мақсадида олинган ҳисботлар билан бирга айрим ўзgartеришлар киритилади.

#### **Товарларнинг импорт/экспортига оид маълумотлар**

Тўлов балансида экспорт ва импортга оид маълумотлар ФОБ нархларида акс эттирилади. Товарларнинг олиб кирилиши ва олиб чиқилиши бўйича маълумотлар Давлат божхона қўмитасидан олинади. Импорт қилинаётган товарларнинг СИФ нархлари товар юкланадиган минтаقا ва чегарадаги транспорт тури инобатга олинган ҳолда товарнинг оғирлиги бўйича ҳисобланган коэффициент асосида тўғирланади.

Давлат божхона қўмитасидан олинган расмий маълумотлар олтин экспортига оид маълумотлар билан тўлдирилади ва Марказий банк томонидан амалга ошириладиган «мокилик» экспорти ва импортини баҳолаш ҳамда қўшимча маълумотлар ва асосий савдо ҳамкорлари бўйича «қарама-қарши» статистикадан аниқланган фарқлар асосида тўлдирилади.

Жисмоний шахслар томонидан кейинчалик қайта сотиш мақсадида олиб кирилган/олиб чиқилган товарларнинг нархи «мокилик» савдоси иштирокчилари сонининг улар томонидан экспорт ёки импорт қилинган товарларнинг (мамлакатнинг барча ҳудудларида аэропорт ва чегара постларида ҳар чоракда ўтказилган сўровнома асосида шакллантирилади) ўртacha нархларига кўпайтириш орқали ҳисобланади.

#### **Халқаро хизматлар:**

Транспорт хизматлари бўйича расмий маълумотлар Давлат статистика қўмитасидан олинади. Салмоқли ва етмаётган компонентлар бўйича қўшимча маълумотлар олинади ва ҳисоб-китоб қилинади. Хусусан:

#### **Транспорт хизматлари бўйича**

- ҳаво, темир йўл ва автомобил транспортига оид хизматларнинг ҳажми баҳоланади. Масалан, ҳаво транспортига оид хизматлар ҳаво транспорти орқали мамлакатга келган ва уни тарк этган чет эл фуқароларининг сонини (миллий авиатранспорт хизматидан фойдаланган Ўзбекистон фуқаро-ларини чиқариб ташлаган ҳолда) Ўзбекистон фуқароларининг ташриф буюрадиган асосий

мамлакатларига бориш чиптасининг ўртача нархига кўпайтириш йўли билан аниқланади;

- ҳаво транспорти орқали амалга ошириладиган экспорт бўйича маълумотлар, шунингдек Ўзбекистон аэропортларидағи ҳаво кемалари орқали экспорт қилинган ҳамда хорижий мамлакатларидаги Ўзбекистоннинг ҳаво кемалари орқали импорт қилинган товарлар ҳақидаги маълумотлар миллый вицаташувчидан олинади;

- норезидентлар учун ташиладиган юкларнинг ҳажми ва нархига оид маълумотлар «Ўзбекистон темир йўллари» АҚдан олинади;

- СИФ-ФОБ бўйича тузатишлар ҳар бир транспорт тури бўйича импорт қийматларига мазкур транспорт тури бўйича импорт ҳажмининг унинг умумий ҳажмидаги улушидан келиб чиқиб алоҳида қўшилади.

#### **Сафарлар бўйича:**

- иш билан боғлиқ туризмнинг дебети ва кредити бўйича Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига қисқа муддатли ишчиларнинг хорижда ишлаш даврида амалга оширган харажатлари қўшилади;

- шахсий сафарларнинг (туризм) дебети ва кредити бўйича туризм хизматлари экспорти ва импортининг қийматлари чегара хизмати маълумотлари ва 2018 йилнинг май ойидан Давлат статистика қўмитаси томонидан ўтказилган туризмга оид сўровнома натижаларига асосан ҳисоблаб чиқилади. Резидентлардан олинган туризмга оид сўровнома натижалари бўйича шакллантирилган коэффициентлар транспорт харажатлари қийматларини ҳам ўз ичига олганлиги сабабли транспорт харажатларини икки марта ҳисобга олишни олдини олиш учун мақсадида улар туризм дебетидан чиқариб ташланади.

#### **Бошқа хизматлар бўйича:**

- бошқа категорияларга кирмайдиган давлат хизматлари ҳақидаги маълумотларни акс эттириш учун Ташқи ишлар вазирлигидан олинадиган маълумотлардан фойдаланилади.

- суғурта билан боғлиқ хизматларни акс эттириш учун маълумотлар суғурта компания-

ларидан олинади ҳамда фарқлар аниқланган ҳолатларда тузатишлар киритилади. Бундан ташқари, СИФ-ФОБ тузатувлви бўйича ҳисобланган юкларни суғурталаш хизматлари ҳам акс эттирилади.

#### **Бирламчи даромадлар**

- бирламчи даромадларнинг ҳисоб-китоблари Марказий банк томонидан шакллантириладиган пул ўтказмаларига оид маълумотлар ва Давлат божхона қўмитаси томонидан 2018 йилгача шакллантирилган нақд хорижий валютанинг олиб киритилишига оид маълумотлар асосида амалга оширилади. Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги элчиноналар ва халқаро муассассаларда ишлаётган резидентлар даромад-ларининг ҳажми билан тўлдирилади.

Қисқа муддатли ишчиларнинг иш хақларини баҳолаш техник кўмак бериш миссияси доирасида ХВЖ мутахассиси томонидан тавсия этилган тартибда амалга оширилади. Бунда қисқа муддатли ишчилар сонининг қолдиғини аниқлашда ҳисоб-китобларда жорий ва сўнгги уч чорақда хорижга ишлаш мақсадида борган Ўзбекистон фуқаролари сонининг камаювчи қолдиқ коэффициенти қўлланилади. Қисқа муддатли ишчилар ту-шумларининг жами қийматини аниқлаш учун уларнинг сонини даромадларининг ўртача қийматига кўпайтирилади. Мазкур ёндашув-ни қўллаш орқали уларнинг сафар харажатлари ва солиқ ҳамда патент божлари ҳам аниқланади.

- инвестицион даромадлар Марказий банк, тижорат банклари, Молия вазирлиги ва маҳсулот таҳсимотига оид битим (МТБ) асосида фаолият юритувчи корхоналардан олинган маълумотлар асосида ҳисобланади. Бунда тижорат банклари кафолатланмаган хусусий қарз бўйича ҳисоб-китобларга оид маълумотларни тақдим қилса, Молия вазирлиги эса ҳукумат томонидан ёки унинг кафолати остида жалб қилинган қарз маблағлари бўйича ҳисоб-китобларга оид маълумотларни тақдим қиласи.

## Иккиламчи даромадлар

- шахсий ўтказмалар ҳисоби Марказий банк томонидан шакллантирилган халкаро пул ўтказмалари оқими маълумотлари ва Давлат божхона қўмитаси томонидан 2018 йилгача тузилган олиб кирилган нақд чет эл валютаси маълумоти асосида амалга оширилади. Ўзбекистон фуқоралари томонидан олинган умумий халкаро пул ўтказмалари ва олиб кирилган нақд чет эл валютаси қийматидан қиска муддатдаги ишчиларнинг соф даромади айрилиб ҳисобланади.
- пул кўринишида тақдим этилган грантлар хақидаги маълумотлар тижорат банклари томонидан тақдим қилинади, товар ва маҳсулот кўринишида олинган инсонпарварлик ёрдами эса Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим қилинадиган маълумотлардан олинади.
- Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотларга тўланган тўловлари хақида маълумот беради.

## Капитал ҳисоб

Капитал трансферлар тижорат банклари ва бошқа маълумот ресурсларидан олинган маълумотлар асосида тузилади.

## Молиявий ҳисоб

### Тўғридан-тўғри инвестициялар

- тўғридан-тўғри инвестициялар хақида маълумотлар Халқаро валюта жамғармаси томонидан тавсия килинган ҳисбот формаларида Давлат статистика қўмитаси тарафидан амалга оширилган сўровнома натижалари асосида тузилади. Шу билан бирга, маҳсулот тақсимотига оид битимлар доирасида фаолият юритаётган корхоналар ўзларига киритилган инвестициялар хақида маълумот берадилар. Тижорат банкларига ва нобанк молиявий ташкилотларга (суғурта компаниялари, лизинг компаниялари ва бошқалар) амалга оширилган тўғридан-тўғри инвестициялар хақидаги маълумотлар тижорат банклари ва нобанк молиявий ташкилотлар томонидан тақдим қилинади. Ўзаро боғлиқ корхоналар ўртасидаги фирмалараро қарзлар бўйича маълумотлар

тижорат банклари томонидан тақдим қилинади.

- Ўзбекистон корхоналариниг чет элга киритган тўғридан тўғри инвестициялари қиймати сезиларли даражада емас. Шунингдек, уларнинг реал ҳажмини маъмурий маълумотлар ёрдамида аниқлашнинг имкони мавжуд эмас.

### Портфел инвестициялар

- портфел инвестициялар ҳақида маълумотлар Халқаро валюта жамғармаси томонидан тавсия килинган ҳисбот формаларида Давлат божхона қўмитаси тарафидан амалга оширилган сўровнома натижалари асосида тузилади. Тижорат банкларига ва нобанк молиявий ташкилотларга (суғурта компаниялари, лизинг компаниялари ва бошқалар) амалга оширилган портфел инвестициялар ҳақидаги маълумотлар тижорат банклари ва нобанк молиявий ташкилотлар томонидан тақдим қилинади. Муомалада бўлган кимматли қофозларнинг бозор нархлари тўғрисидаги маълумотлар «Bloomberg»дан олинади.

### Бошқа инвестициялар

- ташки қарз ва вакиллик ҳисбидаги колдиқлар хақидаги маълумотлар Марказий банк, Молия вазирлиги ва тижорат банклари маълумотлари асосида тузилади;
- савдо кредитлари тижорат банкларидан олинадиган ҳисботлар асосида тузилади.

### Захира активлари

- Марказий банк захира активлари хақидаги маълумотлар манбаи ҳисобланади.

## 1.3. Халқаро инвестицион позициясининг методологик стандартлари

Ўзбекистон Республикасининг Халқаро инвестицион позицияси (ХИП) тўлов баланси ва халқаро инвестицион позицияси Қўлланмасининг олтинчи нашри асосида тузилади (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.).

ХИП маълум бир давр учун мамлакатнинг ташки молиявий активлари ва мажбурият-

ларининг қолдиғини кўрсатади. ХИП Марказий банк, Марказий банқдан ташқари депозит қабул қилувчи корпорациялар, ҳукумат ва бошқа секторлар каби турли институционал секторларнинг норезидентларга нисбатан талаб ва мажбуриятларининг тўлиқ таркибини ўз ичига олади. Бу ҳисоботнинг асосий бўлимлари молиявий ҳисоб бўлимларига тўғри келади: тўғридан-тўғри инвестициялар, портфел инвестициялар, молиявий деривативлар, бошқа инвестициялар ва захира активлари.

Иқтисодиётнинг молиявий активлари ва мажбуриятлари ўртасидаги фарқ соф инвестицион позицияга tengdir. Шундай қилиб, ХИПдаги сектор «соф кредитор» ёки «соф қарздор» бўлиши мумкин.

ХИП жадвал кўринишида тузилиб, ўзида операциялар бўйича оқимлар ва қолдиқларни акс эттиради.

#### **1.4. Ўзбекистон Республикаси ташқи қарзи бўйича маълумотлар манбалари ва кўрсаткичларнинг шакллантирилиши.**

Ўзбекистон Республикасининг ташқи қарзи Ўзбекистон Республикаси резидентларининг ташқи қарз бўйича, шунингдек ташқи қарз бўйича ҳисобланган, аммо ҳали тўланмаган фоизлари бўйича қарздорлик қолдиқларини ўзида акс эттиради. Ташқи қарз, хусусий сектор ташқи қарзи ва давлат ташқи қарзига бўлинади.

Давлат ташқи қарзи, Ўзбекистон Республикаси ҳукумат томонидан ёки унинг кафолати остида олинган кредитларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат қарzlари бўйича келиб тушган маблағлар, ҳисобланган фоизлар ва амалга оширилган тўловлар ҳақида маълумотларни тақдим этади.

Хусусий сектор ташқи қарзи бош компаниялар томонидан тақдим қилинган қарздорликларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати кафолатисиз олинган ташқи қарздорликларни ўз ичига олади. Хусусий секторнинг ташқи қарзи бўйича маълумотлар

тижорат банклари томонидан тақдим қилинади.

Хусусий сектор ташқи қарзлари бўйича маълумотлар иқтисодиёт секторларининг кесимида (нефтегаз ва энергетика, банк, телекомуникация, текстиль ва бошқа секторларда) шаклланади.

Шунингдек, асосий қарзнинг ва фоизларнинг сўндирилиш прогнозлари ҳақидаги маълумотлар ҳам банклар томонидан тақдим қилинади.

2020 йилдан бошлаб ялпи ташқи қарз бўйича жадвал ХВЖ маълумотларни тарқатиш маҳсус стандартига ўтиш доирасида ташқи қарз статистикаси бўйича қўлланмага (ХВЖ, 2013) мувофиқ тайёрланган.

Қўйдагилар бўйича маълумотлар тақдим қилинади:

- а) секторлар: Давлат бошқаруви сектори; Марказий банк; Тижорат банклари; Бошқа секторлар;
- б) бошланғич муддат: қисқа ва узоқ муддатли
- в) воситалар: нақд валюта ва депозитлар; қарз қимматли қофозлари; ссуда ва қарзлар; савдо кредитлари ва бўнаклар; бошқа қарз мажбуриятлари;

Қимматли қофозлар бозор нарҳида акс эттирилади, шунингдек, тўлов фоизларни ҳисобга олган ҳолда, номинал қиймат бўйича меморандум тақдим этилади

Гуруҳ ичида молиялаштириш (бош компанияларнинг кредитлари) алоҳида қаторда кўрсатилади.

#### **1.5. Маълумотлар тузишнинг қонуний асослари.**

1. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ-5296-сонли «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки-

нинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги Р-5054-сонли «Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларининг оммаболиги ва очиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги 263-сонли «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сектори статистикаси шакллантирилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АТАМАЛАР ЛУҒАТИ

Термин	Изоҳ
<b>Трансчегаравий пул ўтказмалари</b>	Пул маблағларини қабул қилувчининг ҳисобварағига киритиш ёки унга нақд кўринишда бериш мақсадида халқаро тўлов тизимлари орқали ўтказилиши.
<b>Омил даромадлари</b>	Ресурсларни ёки ишлаб чиқариш омилларини (ер, меҳнат, капитал) ишлатишдан олинадиган даромадлар.
<b>Ташқи савдо айланмаси</b>	Ой, чорак, йил каби маълум бир муддат давомида давлат, давлатлар грухи ёки маъмурий-худудий тузилмаларнинг (вилоятларнинг) ташқи савдо ҳажмини акс эттирувчи пул билан ўлчанадиган иқтисодий кўрсаткич. У экспорт ва импорт қийматларининг йиғиндисига тенг.
<b>Тўлов балансидаги тузатишлилар</b>	Маълумотларни тўлов баланси талабларига янада мувофиқлаштириш учун уларнинг қамрови, таснифи, ҳисботда акс эттириш вақти ва қийматини баҳолашдаги ҳар қандай зарурий ўзгартиришлилар.
<b>Мокилик савдоси</b>	Сафардаги шахслар томонидан товарларни мамлакатда (ёки унинг ташқарисида) қайта сотиш учун ҳарид қилиш амалиётларини англатади
<b>FOB шартидаги экспорт</b>	<u>Инкотермс</u> даги халқаро савдо атамаларидан бири бўлиб, бунда товарни портга етказиш ва уни ҳаридор томонидан кўрсатилган транспорт воситасига ортиш сотувчининг мажбурияти ҳисобланади ҳамда товарни транспорт воситасининг бортигача етказиш билан боғлиқ харажатлар сотувчининг зиммасига тушади.
<b>CIF шартидаги импорт</b>	<u>Инкотермс</u> даги халқаро савдо атамаларидан бири бўлиб, бунда товарлар жўнатиш портидаги транспорт воситасига юклангандан сўнг сотувчи товарни етказиб берган ҳисобланади, сотув нархи эса товарнинг қийматини, фрахт ёки транспорт харажатларини, шунингдек, юқ ташиб олдидан суғурталаш тўловларини ўз ичига олишини англатади.
<b>Портлардаги товарлар</b>	Норезидент-ташувчилар томонидан портларда сотиб олинадиган товарлар. Уларга ёқилғи, озиқ-овқат, захиралар, балластлар, маҳкамлаш материаллари ва бошқалар киради.
<b>Номонетар олтин</b>	Монетар олтиндан (пул-кредит сиёсатини амалга оширувчи органларга тегишли бўлган ва захира активлари сифатида сақланувчи қўйма олтинлар) бошқа ҳамма олтинни ўз ичига олади. Таркибида олтин бўлган заргарлик буюмлари, уларнинг қисмлари ва ҳ.к. номонетар олтин ҳисобланмайди, улар товарлар экспорти ва импортида акс эттирилади.
<b>Махсус қарз олиш ҳуқуқи</b>	ХВЖ томонидан яратилган Халқаро захира активи бўлиб, ХВЖнинг аъзоларига уларнинг расмий захираларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилади.
<b>Халқаро инвестицион позиция</b>	Халқаро инвестицион позиция (ХИП) – макроиқтисодий тушунча бўлиб, мамлакатнинг норезидентлар олдидаги молиявий актив ва мажбуриятларининг умумий ҳажми ва тузилишини акс эттиради.

Термин	Изоҳ
<b>Маҳсулот тақсимотига оид битимлар</b>	Маҳсулот тақсимотига оид битим шартнома ҳисобланиб, унга мувофиқ давлат ҳақ олиш асосида ва муайян муддатга чет эллик инвесторга битимда кўрсатилган ер қаъри участкасида конларни аниқлаш, қидириш ва фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ҳамда шулар билан боғлиқ бўлган ишларни олиб бориш учун мутлақ ҳуқуқлар беради, инвестор эса мазкур ишларни ўз маблағлари ҳисобига ва таваккал қилиб амалга ошириш мажбуриятини олади.
<b>Соф кредитор</b>	Активлари мажбуриятларидан кўпроқ бўлган иқтисодий субъект.
<b>Соф қарздор</b>	Мажбуриятлари активларидан кўпроқ бўлган иқтисодий субъект.
<b>Ялпи ташки қарз</b>	Барча қиска муддатли ва узоқ муддатли воситалар бўйича норезидентлар олдидағи мажбуриятларни акс эттирувчи кўрсаткич. Кредитлар, қарз қимматли қоғозлари, депозитлар, савдо кредитлари ва МҚҲни тақсимлаш шаклидаги мажбуриятларни ўз ичига олади.
<b>Монетар олтин</b>	Пул-кредит сиёсатини амалга оширувчи органларга тегишли бўлган ва захира активлари сифатида сақланувчи қўйма олтинлар, ушбу қўйма олтин бошқа идораларга солиганда демонетизация бўлиб, номонетар олтин сифатида эътироф этилади.
<b>УХХКНТ</b>	Уй хўжаликлари га хизмат кўрсатадиган нотижорат ташкилотлари
<b>Тескари инвестициялаш</b>	Тўғридан-тўғри инвестиция корхонаси томонидан ўз тўғридан-тўғри инвестори қимматли қоғозларини сотиб олиш амалиёти
<b>Қардош корхоналар</b>	Таъсисчи битта хорижий мамлакатда бўлган икки ёки ундан ортиқ бошқа мамлакатларда жойлашган корхоналар
<b>ЎТТЖ</b>	Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси
<b>ХВЖ</b>	Халқаро валюта жамғармаси